



Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat



АДОЛАТ

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 29 (1093) • 2016-yil, 15-iyul, juma

ПАРЛАМЕНТ ТАЖРИБАСИДА ИЛК МАРОТАБА:

мухолифатдаги “Адолат” СДП
фракциясининг муқобил қонун
лойиҳаси кўриб чиқилди

➤ ФАОЛИЯТ

Давлатимиз раҳбари 2015 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси ҳамда Қонунчилик палатасининг ташкилий йиғилишидаги маърузасида парламент фаолиятини профессионал даражага кўтариш, хусусан, қонун ижодкорлиги ва қонунчилик фаолияти сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратган эди.

Ушбу дастурий кўрсатмалар ҳамда сўнгги йилларда миллий қонунчилигимизга киритилган янгиланишларга мувофиқ қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг ҳар бир босқичида сиёсий партиялар фракцияларига берилган қўшимча ваколат ва имкониятлар улар ўртаси-

даги соғлом рақобатни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Ўз навбатида, фракцияларaro конструктив баҳс-мунозара ва рақобат қонун лойиҳаларини пишиқ-пухта тайёрлаш ҳамда аҳолининг кенг қатлами манфаатларини ифода-лашда муҳим ўрин тут-моқда.

Қонун лойиҳасидан кўзланган асосий мақсад www.lex.uz сайтида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манба мақомини беришдан иборатдир.

2➤

СУД ЭКСПЕРТЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШДА ЯГОНА ТИЗИМ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

➤ ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда парламент қўйи палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилаётган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Фракция аъзолари дастлаб “Ветеринария тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилдилар.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси «Ветеринария тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва

қўшимчалар киритилиши муносабати билан ишлаб чиқилди. Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида, ветеринария соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида илгари қабул қилинган қонун ҳужжатлари қайта таҳлил қилинди. Бунинг натижасида амалдаги бир қатор қонунларнинг айрим қоидалари янги таҳрирдаги «Ветеринария тўғрисида»ги қонун нормалари билан бир-бирига зид келиб қолаётганлиги ҳамда уларни ўзаро мувофиқлаштириш лозимлиги аниқланди.

2➤



➤ ПЛЕНУМ

Пойтахтимизда Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгашининг V Пленуми бўлиб ўтди. Унда партия Сиёсий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, Марказий аппарат, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар кенгашлари масъул ходимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ БИЛАН МУҲИМ



Пленумни Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси Н.Умаров кириш сўзи билан очар экан, аввало, шу кунларда халқимиз катта хурсандчилик ва шодоналар билан кутиб олишга тайёргарлик кўраётган энг уду ва энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги ҳамда уни жойларда кенг нишонлаш борасида партия ташкилотлари ва фаоллари томонидан ўтказилаётган тадбирлар ҳусусида тўхталиб ўтди.

3➤



➤ 25 ЙИЛ: МУСТАҚИЛЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ




ШИЖОАТКОР ЭЛНИНГ ҚУДРАТИ

Термиздаги Археология музейининг кириш залида танга шаклидаги катта экспонат қўйилган. Бу экспонатда қайиқ ва лангар тасвири акс эттирилган. Ушбу экспонатдаги тасвир милодий VI-VII асрларда Термизда ҳукмронлик қилган термизшоҳлар томонидан зарб қилинган тангалардаги рамзий белги ҳисобланади. Аслида бу белги ўша даврда Термиз шаҳрининг тамғаси сифатида қабул қилинган. Маълумки, шаҳар Амударё

(Укуз, Окс) бўйида қад ростлаган ва барча даврларда порт-бандаргоҳ, кечув маскани вазифасини бажарган. Тамға ва тангалардаги тасвир ана шунга монанд тарзда яратилган. Шу сабабли айрим қадимшунос олимлар Термиз номи “Дарё ёқасида жойлашган қалъа” маъносини билдиради, деб маълумот берадилар. Муаррих Ҳофиз Абрў эса шаҳар номи бақтрияча “тарамастха” сўзидан олинган, бу “нариги соҳилдаги манзил” деган маънога эга, деб ёзади.

5➤



ПАРЛАМЕНТ ТАЖРИБАСИДА ИЛК МАРОТАБА: мухолифатдаги "Адолат" СДП фракциясининг муқобил қонун лойиҳаси кўриб чиқилди

Давоми. Бошланғич 1-бетда

Ўтган давр мобайнида парламентдаги ҳар бир масала муҳокамасида сиёсий партиялар фракцияларининг ўз дастурий мақсад-вазифалари ва электорат манфаатлари учун курашни йўлида орттирилган тажриба ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

ларидан фойдаланган ҳолда «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунга ўзгартиш киритишни назарда tutувчи қонун лойиҳасининг муқобил тахририни парламент муҳокамасига таклиф этгани ҳам бу борада муҳим янгилик бўлди.

Таъкидлаш лозимки, мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон

таъминлашга қаратилган.

Қонуннинг қабул қилиниши юридик ва жисмоний шахсларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларидан кенг фойдаланишни таъминлаш, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни аҳолига ўз вақтида ва тўлиқ етказишга, ахборот-коммуникация технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тезкор ўзлаштиришга қўшимча шарт-шароитлар яратди.

Қонун лойиҳасидан қўзлаган асосий мақсад www.lex.uz сайтида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манба мақомини беришдан иборатдир.

Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси йиғилишида чуқур муҳокама этилиб, концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватланган эди. Бироқ, ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилган фракциянинг бу борада, яъни Қонун ҳужжатлари маълумотлари мил-

Энг муҳими, парламентдаги мухолифат сифатида фракциямиз томонидан қонун лойиҳаларининг муқобил тахририни киритиш бўйича белгиланган ваколатдан фойдаланилиши давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли кучайиб бораётганини яққол намоён қилди.


лий базасига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манба мақомини бериш масаласини ҳал этишда ўз қарашлари мавжуд.

Шу муносабат билан фракциямиз томонидан расмий эълон қилиш тушунчасини аниқлаштириш орқали «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунга тегишли ўзгартириш киритиш таклиф қилинди. Шу билан бирга, қонун лойиҳасининг муқобил тахрири юқорида кўрсатилган қонун лойиҳасида таклиф этилган 12 ойда

эмас, балки у расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириши мумкин.

Албатта, қутилганидек парламент аъзолари томонидан қонун лойиҳасининг муқобил тахририни кўриб чиқиш жараёни фикрлар қарама-қаршилиги, сиёсий партияларнинг дастурий мақсадлари, манфаатларини ифода этиш орқали кучли баҳс ва рақобатга сабаб бўлди.

Энг муҳими, парламентдаги мухолифат сифатида фракциямиз томонидан қонун лойиҳаларининг муқобил тахририни киритиш бўйича бел-



гиланган ваколатдан фойдаланилиши давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни

модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли кучайиб бораётганини яққол намоён қилди.

Бир сўз билан айтганда, парламентдаги бу каби баҳс-мунозаралар, гоё ва дастурлар, муқобил қонун лойиҳалари ўртасидаги рақобат, принципаал ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий масалалар бўйича позицияларни қонун ижодкорлиги жараёнларини янги ва профессионал босқичга олиб чиқишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Умиджон СУЛАЙМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

САХОВАТ — БЕНАЗИР ҚАДРИЯТ

Кексаларни эъозлаш, ёрдамга эҳтиёжманд ногирон инсонларга меҳр-мурувват кўрсатиш азалий қадриятларимиздан бири саналади. Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилоят кенгаши томонидан Оҳангарон шаҳридаги «Саховат» кексалар ва ногиронлар интернат уйида «Кексаларни эъозлаш муқаддас бурчимиз» мавзусида ўтказилган тадбирда ана шундай эзгу қадриятларимиз яна бир бор намоён бўлди.

НУРОНИЙЛАР меҳру ардоғимизда

Партиямизнинг «Саховат — беназир қадрият» лойиҳаси доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Людмила Кошелопова, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги вакиллари, партия фаоллари иштирок этишди. Маълумки, инсон қадри улуғланган юртимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Айниқса, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд, имконияти чекланган фуқароларга меҳр-мурувват кўрсатиш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, ёрдам бериш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Бундай хайрли ишларга жамоат ташкилотлари, жумладан, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг барча бўғинлардаги тузилмалари, партия депутатлари ҳам ҳисса қўшиб келмоқда, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов. — Зеро, инсонларвар жамиятимизда ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмаслиги умумий ишимизга айланган. Шу мақсадда партиямизнинг «Саховат — беназир қадрият» лойиҳаси доирасида бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Иштирокчилар «Саховат» кексалар ва ногиронлар интернат уйида ҳамхўрлик, меҳру эътибордан баҳраманд бўлиб умргузаронлик қилаётган нурунийлар билан самимий суҳбатлашиб, ҳаётимиз тобора файзли ва обод бўлишида кўпни кўрган кексаларимизни ҳурмат-иззат қилиш ҳаётини аҳамиятга эга эканини эътироф этишди.

Саховат инсоннинг энг эзгу қасдларидан саналади. Нурунийлар, ногирон кишиларнинг ҳолидан хабар олиш, уларнинг кўнглини кўтариб, ўз ёрдамини аямаслик меҳр ва саховат ифодасидир. Биз, санъаткорлар эса санъатимиз орқали уларнинг қалбларига ҳушудлик баҳш этиш билан бирга, мана шундай дорилламон замонимизда савоб ишни барчамиз қилишимиз кераклигини тегирок аниқлаш, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Алишер Отабоев.

Учрашув давомида партиямизнинг Сайловолди дастурида қайд этилганидек, инсон манфаатлари — энг олий қадрият тамойили асосида кексалар ва ногиронларнинг саломатлигини тиклаш, турли сихаттоҳларда дам олиб, даволанишларига қўмақлашиш, уларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва шу каби хайрли ишлардан кўпчилик мамнун бўлаётгани ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда ҳомийлар томонидан кексалар ва ногиронларга гигиена воситалари, 2 та ногиронлар аравачаси ва бошқа совға-саломлар топширилди.

Нурунийларга тўқин дастурхон ёзилди, таниқли санъаткорларнинг қуй-қўшиқлари барчага кўтаринкилик бағишланди.

Азиза ҚУРБОНОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилоят
кенгаши раиси ўринбосари

СУД ЭКСПЕРТЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШДА ягона тизим жорий этилади

Давоми. Бошланғич 1-бетда

Шухрат ЯКУБОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси:

— Таклиф этилаётган қонун лойиҳасида ветеринария соҳаси билан боғлиқ масалаларни тартибга солиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги, «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Дехкон хўжалиги тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги, «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги, «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Солиқ кодекси ва Бюджет кодексининг тегишли моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши назарда тутилмоқда.

Маълумки, қонунларнинг юқори сифати ва барқарорлигига эришиш, уларни ҳаётга таътиб этишнинг ишончли механизмининг яратилиши «Адолат» СДП депутатлик корпуси қонунчилик фаолиятининг асосий мезони ҳисобланади. Шу нуқтадан назардан мазкур қонун лойиҳаси ҳам ветеринария соҳаси ва у билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар ўртасидаги ўзаро зиддиятларни бартараф этиш ҳамда улардаги атама ва тушунчаларнинг бир хил қўлланилишини таъминлашга, пировадиди унинг ижро механизмларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан дастурий мақсадларимизга тўла мосдир.

Биринчи ўқишда хавола этилаётган «Суд экспертизаси



тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам фракция аъзолари томонидан киз-вин муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳаси билан «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонунга махсус таълим дастурига мувофиқ суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини даврий равишда (ҳар икки йилда) ошириб жорий этишга қаратилган туза-тишлар киритиш назарда тутилмоқда.

Ўқир ХОЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг хозирги босқичида қонун лойиҳаси билан таклиф этилаётган нормаларга ҳақиқатдан ҳам зарурат сезилаётган эди.

Маълумотларга қараганда, сўнгги йилларда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан тайинланган суд экспертларининг сони сезиларли даражада ортди. Хусусан, 2014 йилда 50 миңдан ортиқ суд экспертизалари тайинланган бўлиб, ушбу ҳолат бевосита таклиф этилаётган қонун лойиҳасини ишлаб

чиқишнинг долзарблигидан далолат беради.

Шу билан бирга, амалиётда суд экспертларининг локал даражада малака ошириб келаётгани, яъни суд экспертизасини ўтказадиган турли давлат муассасалари ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ушбу фаолиятни амалга ошираётгани, эксперт муассасаларни тизимида у ёки бу масала юзасидан эксперт хулосаларини беришда турли хил услублардан фойдаланилаётгани, қолаверса, ҳуқуқий ва махсус масалаларни қамраб олган суд экспертларининг даврий равишда малакасини ошириб боришининг ягона тизими мавжуд эмаслиги ушбу қонун лойиҳасини қабул қилишни тақозо этмоқда.

Бу борада хоржий тажрибани ўрганиш шунинг кўрсаткичи, Германия, Швеция ва МДХ мамлакатлари қонунчилигида ҳуқуқий ва махсус масалалар бўйича таълим дастурига мувофиқ суд экспертларининг таълим мақсадида тайинланган суд экспертларининг сони сезиларли даражада ортди. Хусусан, 2014 йилда 50 миңдан ортиқ суд экспертизалари тайинланган бўлиб, ушбу ҳолат бевосита таклиф этилаётган қонун лойиҳасини ишлаб

ри 5 йилда бир марта малака оширишни ўтаётгани улар томонидан бериладиган хулосаларнинг сифатига таъсир ўтказмоқда.

Шу муносабат билан мазкур лойиҳада «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонунга суд экспертларининг ҳуқуқий ва махсус билимларини ривожлантиришга, саводхонлигини оширишга, шунингдек, уларнинг жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши суд экспертизаси масалаларини тартибга солиш қонунчилик нормаларининг самарали ва бир хил қўлланилишига олиб келади, суд экспертларини тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкиллаштиришда мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этишни таъминлайди, шунингдек,

суд экспертизасининг самарадорлигини оширади.

Қонун лойиҳаси фракциямиз аъзолари томонидан концептуал жиҳатдан маъқулланган ҳолда уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида зарур жиҳатларга эътибор қаратилди. Чунки, партиямиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга йўналтирилган қонунлари қўллаб-қувватлайди. Суд тизимини комплекс ривожлантириш, хусусан, уни институционал, ташкилий-кадр ва процессуал жиҳатдан мустаҳкамлаш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш энг муҳим дастурий вазифаларимиздан саналади. Суд экспертизаси соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг ягона тизими жорий этилиши, уларнинг ҳар икки йилда бир марта замонавий технологияларнинг жадал ривожланиши билан юзага келаётган соҳага доир энг сўнгги янгиликлардан хабардор қилиб, ҳуқуқий билимларининг ошириб борилиши пировадиди инсон ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Шунингдек, йиғилишда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши кўзда тутувчи «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Муҳокамалар жараёнида фракция аъзолари партия позициясидан келиб чиқадиган таклиф, тавсиялар асосида қонун лойиҳасини қўллаб-қувватладилар.

Йиғилиш сўнггида муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Илбос САХАТОВ,
«Адолат» муҳбири

ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ БИЛАН МУҲИМ

Давоми. Бошланғичи 1-бетда

— Албатта, ушбу кеска давр мобайнида мамлакатимиз истиқдолнинг дастлабки йилларида давлатимиз раҳбари томонидан танланган оқилона сиёсат ва миллий тараққиёт стратегиямиз саналган "Ўзбек модели" асосида барча соҳаларда катта ютуқларга эришди, — деди Н.Умаров. — Мустиқлик туғайли биз дунёни танидик, дунё бизни таниди, муваффақиятларимизни тан олди. Бугун ҳаётимизда рўй берган ижобий ўзгаришларни хар биримиз ўз оиламиз, маҳалламиз, туман ёки шаҳримиздаги янгиликлар мисолида қўйиб, хис этиб турибмиз.



лохотлар самарасида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳам ўзининг қарийб 21 йиллик фаолияти давомида мамлакатимиз сиёсий майдонидagi ўрнини мустақкамлашга, электроти ва аъзолари сафини кенгайтиришга, марказий ва ҳудудий партия ташкилотларининг моддий-техник базаси ҳамда кадрлар захирасини яхшилашга, сайловдан сайловга депутатлик корпусларини сон ва сифат жиҳатдан мустақкамлашга эришди.

Айни пайтда партия ўз электроти манфаатларини рўйбага чиқариш мақсадида Сайловдди дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий ҳаракатлар Дастурини ҳаётга фаол татбиқ этиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида ушбу амалий ҳаракатлар Дастури ижроси доирасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, амалий ҳаракатлар Дастурининг "Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари — олий қадрият" деб номланган биринчи йўналишида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини, ҳокимият ва жамоатчиликнинг изчил алоқасини таъминлашда ОАВ ролини кучайтириш масаласи илгари сурилган. Бу борада ўтган давр мобайнида партиянинг марказий, ҳудудий ва маҳаллий кенгашлари томонидан партия электроти вакилларини жалб этган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси муҳокамасига баёнланган давра суҳбатлари, учрашув ва семинарлар ўтказилди.

Шу билан бирга, ўтган даврда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида партиянинг марказий, ҳудудий ва маҳаллий ташкилот-

лари томонидан 500 дан зиёд ҳуқуқий тарғибот ва маърифий тадбирлар ўтказилиб, уларга 20 миң нафардан ортик иштирокчи жалб этилди.

Бундан ташқари, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Қонун ижроси юзасидан жойлардаги партия депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши сессияларида 26 мартаба мансабдор шахсларнинг эшитувлари ташкил қилинди.

Жорий йил бошида Ўзбекистон судьялари ассоциацияси билан партия ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандуми доирасида судлар фаолиятининг очик ва ошқоралиги, суд жараёнида томонларнинг тенглиги ва холис тортишув таъминллари, суд-ҳуқуқ ислохотларини тақомиллаштириш мақсадида ҳамкорликда тизимли равишда давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. "Биргаликда юсак ҳуқуқий маданият сари", "Ўзбекистон — инсон қадри удулган юрт", "Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият" лойиҳалари доирасида 200 дан ортик тадбирлар ҳам шулар жумласидандир. Ушбу йўналишда "Адолат" газетасида 30 дан ортик туркум мақолада чоп этилди. Партия веб-сайтида 200 га яқин мақолалар эълон қилинди.

Амалий ҳаракатлар Дастурининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви янада демократлаштириш — амалга ошириладиган ислохотлар орта қайтмаслигининг қафолати" йўналиши бўйича ижтимоий ҳаётни янада демократлаштириш, аҳолини давлат органлари, биринчи навбатда, маҳаллий ҳокимликлар фаолияти борасида маълумотлар билан кенг

таъминлаш, бошқарувда ошқоралик, очиклик ва ҳисобот бериб боришлига эришиш вазифаси белгиланган.

Бу борада партиянинг ҳудудий ва маҳаллий кенгашлари томонидан жойларда Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳуқуқат тўғрисида"ги, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги қонунилар тарғиботи баёнланган 100 дан ортик давра суҳбатлари ташкил этилган бўлиб, уларга 5000 дан ортик иштирокчи жалб этилди.

Бундан ташқари, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги қонун ижроси юзасидан жойларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши сессияларида 26 мартаба мансабдор шахсларнинг эшитувлари ташкил қилинди.

Партия фаолиятида ҳам очиклик ва ошқораликни таъминлаш мақсадида adolat.uz веб-сайтида "Онлайн депутат" руни ташкил этилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари томонидан сайловчилар муносабатлари жаваб бериб келинмоқда. Ўтган даврда ушбу интерактив хизмат орқали депутатлар томонидан фуқаролардан келган 400 га яқин муносабатларга онлайн тарзда жаваб берилди.

Амалий ҳаракат Дастурининг "Бизнинг мақсадимиз — адолатли фуқаролик жамияти" йўналиши бўйича ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқи ва эркинликларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтларининг давлат тузилмалари билан ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини изчил равишда тақомиллаштириб бориш мақсадида "ННТ — партиянинг бош ижтимоий ҳамкори", "Медиа олам: тенденциялар ва истиқболлар", "Буюк ва муқаддасан, ҳур Ўзбекистон" лойиҳалари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этиб келинмоқда.

Хусусан, "ННТ — партиянинг бош ижтимоий ҳамкори" лойиҳаси доирасида "Нуроний" жамғармаси, халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси, Ўзбекистон

Ўзувчилар уюшмаси, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси, "Экосан" халқаро экология ва саломатлик фонди, Ўзбекистон Байналмилал маданият маркази, Ўзбекистон судьялари ассоциацияси билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Ушбу ташкилотлар билан ҳамкорликда партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, 100 дан ортик тадбирлар ташкил этилди. "Кексаларни эъозлаш муқаддас бурчимиздир", "Адолат — хар бир инсон учун" каби мавзулардаги



тадбирлар шулар жумласидандир.

Олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг қизиқиш ва иқтидорларини инобатга олган ҳолда маълум соҳаларда касба йўналири ҳамда ўз бизнесини йўлга қўйиш истагидаги битирувчиларга банк кредитларини олишда қўмаклашиш мақсадида ўтган даврда партия томонидан Булунгур, Пастдарғон, Поп, Учқўрғон, Зомин, Ғаллаорол, Арнасой, Шеробод, Олтинсой, Қумқўрғон, Риштон туманлари ва Қўқон шаҳрида Марказий банк, "Аска" АТБ, "Микрокредитбанк" АТБ ва "Туронбанк" АТБ билан ҳамкорликда "Хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлашда сиёсий партиялар ва тижорат банклари ҳамкорлиги истиқболлари" мавзусида учрашувлар ўтказилиб, ўз бизнесини йўлга қўйишни истаган 300 нафарга яқин коллеж битирувчилари ҳамда хотин-қизларга қарийб 900 миллион сўм миқдорда имтиёзли банк кредитлари олишлари амалий ёрдам берилди.

Республика бўйича аҳоли фойдаланувида булган ички йўллар

ни янгилаш, таъмирлаш ва қайта таъмирлаш масаласини ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига босқичма-босқич киритиб бориш мақсадида ишлаб чиқилган "Жамоатчилик назорати — қонун устуворлигининг гарови" лойиҳаси доирасида ҳафтанинг хар жума кунини партиянинг ҳудудий ва маҳаллий ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик корпуслари ҳамкорлигида жойларда "Йўлларни асрайлик" мавзусида давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Улардан келиб чиқиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида соҳага дахлдор

иммунитетни янада кучайтириш, интернет маданиятини шакллантириш, терроризм ва диний экстремизм юзларидан ҳимоя қилиш борасида кенг тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Ўтган давр мобайнида бу каби тадбирлар 368 тани ташкил этиб, уларда 26 миң нафардан зиёдрок ёшлар камраб олинди.

"Мақтабда ижтимоий тенглик масалалари" лойиҳаси доирасида Самарқанд ва Андижон шаҳарларида ижтимоий сўровномалар, давра суҳбатлари ўтказилиб, давра суҳбатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари томонидан умумтаълим мактабларидаги мавжуд муаммолар тахлил қилиниб, халқ депутатлари Самарқанд ва Андижон шаҳар Кенгашлари сессиялари муҳокамасига киритилди ҳамда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг қийиниш маданиятини юксалтириш, улар учун ягона мактаб формаси жорий қилиш, мактабларда тенглик ва адолатни таъминлаш йўналишларида, шунингдек, мақсадли пул йиғимларида чек қўйиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, мутасадди ташкилотларга қўрсатма ва тавсиялар берилди.

Ушбу лойиҳа натижаларини республика миқёсида омалаштириш мақсадида 2016 йилнинг май ойида Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда видеоконференция ўтказилиб, келгусида республика миқёсидаги барча умумтаълим мактабларида босқичма-босқич равишда ягона мактаб формасини жорий қилиш, таълим муассасаларида ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш ҳамда бу борадаги чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш юзасидан тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.

Пленумда партия амалий ҳаракатлар Дастури ижросини таъминлаш борасидаги ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйилган айрим камчиликлар ҳам муҳокама қилинди. Келгусидаги режалар ижросини изчил ва тўлақонли бажариш, жойларда ўтказилаётган партиявий лойиҳалар доирасидаги тадбирларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини янада ошириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, Пленумда партия фаолиятида доир бошқа мавзулар ҳам муҳокама этилиб, кун тартибидagi барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сўз — Пленум иштирокчиларига:

Қодир ЖўРАЕВ, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси:

— Электроти ишончини оқлаш биз учун энг муҳим вазифа саналади. Сайловлар арафасида берган ваъдаларимиз изчил асоса эа эканлиги фаолиятимизда ўз аксини топиб келмоқда. Партияимизнинг амалий ҳаракатлар дастурида уларни рўйбага чиқаришнинг аниқ механизмлари белгилашган бўлиб, бу борада фракцияимиз аъзолари ҳам ташаббускорлик билан иш олиб бормоқда.

Жумладан, ўтган давр мобайнида қонуности ҳужжатларининг сон ва доирасини қисқартириш, қонунларни ҳаётга татбиқ этишининг ишончи механизмин яратиш мақсадида фракцияимиз томонидан "Электрон тижорат тўғрисида"ги, "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги ва "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунга ўзгариш ва қўйишлар киритиш тўғрисида"ги қонунларга партияимизнинг позицияси тақлифларини киритишга эришилди.

2015 йилда партияимиз фракцияси ташаббуси билан юборилган парламент сўрови бўйича илк бор Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг "Ўзбекистонда суғиш тежовчи технологиялардан фойдаланиш ҳолати ва унинг самарадорлигини ошириш истиқболлари, қишлоқ хўжалиги корхоналарида замонавий техника ва технологияларни жорий этиш тўғрисида"ги масала юзасидан ахбороти эшитилди. Бунда биз электротиимиз манфаатлари ҳамда дастурий мақсадларимизга доир бир қатор тақлифларимизни киритишга эришидик.

Партия депутатлари ижтимоий соҳаларда давлат бюджетини ижросини таъминлаш борасида назорат ишларини самарали ташкил этишга чуқур масъулият билан қарамоқда. Айтиши жоиз, аҳолининг кенг қатламларига қўрсатилган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш, соғлиқни сақлашнинг давлат секторини мустақкамлашга қаратилган дастурий вазифалар ижроси ҳам изчиллик билан таъминлаб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тақдим этилаётган хар йиллик Давлат бюджетининг бажари-



лиши муҳокамасида партия фракцияси аъзолари соғлиқни сақлаш тизимидagi Қишлоқ өрчлик пунктларини ривожлантириш масаласида алоҳида эътибор қаратиб, партия электроти манфаатларидан келиб чиқиб тақлифлар бериб келмоқда.

Жойлардаги депутатлик гуруҳларимиз орқали ҳам соғлиқни сақлаш тизимидagi мавжуд муаммолар юзасидан тегишли идораларга депутатлик сўровлари юборилиб, улар устидан жамоатчилик ва депутатлик назорати ўрнатилмоқда.

Шунга қарамай, сайловдди дастурий вазифаларимиз ижросида ҳали бажариладиган ишларимиз талайгина. Масалан, замонавий инновациялар ва юқори технологияларни ҳаётимизга кенг жорий этиш, давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлиги, аҳоли ўртасида энергия ресурсларига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишни шакллантирадиган тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бориш, қишлоқ хўжалигида урғучлик ва селекция ишларини ривожлантириш, мутахассисларни тайёрлаш даражаси ва сифатини ошириш каби йўналишларни эътиборимизни кучайтирмоғимиз зарур.

Ерназар КУННАЗАРОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси:

— Партияимиз амалий ҳаракатлар Дастури асосида ишлаб чиқилган лойиҳалар электротиимиз манфаатларини самарали ҳимоя қилишга, аҳоли ўртасида янада чуқурроқ кириб бориш, уларни қизиқтираётган, йўлантираётган масалаларни аниқлаш ҳамда уларга ечим топишда муҳим омили бўлмоқда.

Жумладан, "Жамоатчилик назорати — қонун устуворлигининг гарови" лойиҳаси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларида сайланган депутатларимизнинг жойларда амалдаги қонунлар ижроси билан боғлиқ чора-тадбирларни ўрганишдаги фаолликларини оширишга хизмат қилмоқда.

Мисол тариқасида, ўтган давр мобайнида "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ижроси билан боғлиқ 100 га яқин турли шаклда-

ги тадбирлар амалга оширилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларида сайланган депутатларимиз томонидан халқаро аҳамиятдаги ҳамда маҳаллий ички йўлларнинг ҳолати бўйича мансабдор шахсларга 15 та депутатлик сўрови жўнатилиб, халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгашидаги доимий комиссия муҳокамасига масалалар киритилди.

Жорий йилнинг июнь ойида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидagi депутатлик гуруҳимиз аъзолари ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг "Қорақалпоғистон Республикасида аҳолига қўрсатилмаётган тиббий хизматнинг буғунги ҳолати ва истиқболдаги вазифалар тўғрисида"ги, шунингдек, халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз аъзолари ташаббуси билан Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмаси раҳбарининг "Шаҳар аҳолисида қўрсатилмаётган тиббий хизматнинг буғунги ҳолати ва истиқболдаги вазифалар тўғрисида"ги ҳисоботлари сессия йиғилишларида эшитилиб, муҳокама қилинди.

Ушбу масалаларнинг долзарблиги ҳисобга олиниб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қўмитаси ва халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгаши доимий комиссияси мажлисларига қўриб чиқиш учун тақдим қилинди.

Албатта, амалий ҳаракатлар Дастури ижроси билан боғлиқ амалга оширишимиз лозим бўлган вазифалар талайгина, фойдаланилмаётган имкониятларимиз ҳам йўқ эмас.

Айниқса, дастурда белгиланган вазифаларни ўз вақтида, самарали ташкил этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз ҳамда жойлардаги бошланғич партия ташкилотларимиз имкониятидан унумли фойдаланишимиз зарур.

Равшан ТОЛИБОВ, Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилоят кенгаши раиси:

— Партияимизга ишонган, унинг гоғларини қўллаб-қувватлайдиганлар сафи ортганини буғунги кунда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашида 13 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида 65 нафар депутатимиз фаолият юрматганидан аниқлаш мумкин. Яъни, буғун электроти манфаатларини ҳимоя

қилиш, сайловчиларга берилган ваъдаларни бажариш учун бизда куч ҳам, имконият ҳам етарли.

Ушбу масъулиятни вазифани яхши ҳис этган депутатларимиз томонидан ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ҳамда қонунларнинг ижроси юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатиб, бу борада масъул мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш тизимли йўлга қўйилган бўлиб, доимий комиссиялар ва сессияларга тегишли масалалар киритилмоқда.

Хусусан, 2015 йил давомида халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз томонидан доимий комиссияларга 22 та масала, сессиялар кун тартибига эса 12 масала киритилиб, уларнинг барчаси юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниши ҳамда ижобий ечим топишга эришилди.

"Жамоатчилик назорати — қонун устуворлигининг гарови" лойиҳаси доирасида вилоят партия кенгаши томонидан жойларда ҳафтанинг хар жума кунини "Йўлларни асрайлик" мавзусида ўтказилаётган давра суҳбатлари натижасида фойдаланилмоқда бўлган ички йўлларни таъмирлаш ва қайта таъмирлаш, янги йўллар барпо қилиш бўйича депутатлар томонидан мутасадди ташкилотларга 48 та депутатлик сўрови юборилди, мавжуд эҳтиёжлар халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари сессиялари муҳокамасига киритилмоқда. Бунинг натижасида шу кунга қадар Тошкент вилоятининг Бекobod шаҳар ва Бекobod, Оҳангарон ва Оққўрғон туманларидаги таъмирлаб ички йўлларни таъмирлашга эришилди.

Шу билан бирга, ҳудудий ва маҳаллий партия кенгашларидаги ходимларнинг касбий маалакаси, БПТ лардаги аъзоларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ҳамда депутатлик гуруҳларимиз фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган сиёсий ўқувлар ташкил қилиб бориш ҳам фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бирига айланган.

Қўришиб турибдики, буғун электроти манфаатини самарали ҳимоя қилишда асло хотиржамликка берилиб бўлмайди. Шундай экан, партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари сайловчилар, электротиимиз манфаатлари ҳаётини эҳтиёжлари билан бевосита боғлиқ хар бир масалага жиддий масъулият билан ёндашиши, бу борада ўзига юклатилган вазифани сидқидилдан бажариши керак.

Дилором МАТКАРИМОВА, «Adolat» мухбири

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАР

электорат манфаатларини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Аввал хабар қилганимиздек, жорий йилнинг 25 июнидан 5 июлига қадар Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзолари ўз сайлов округларида электорат ҳузурида бўлиб, улар билан очик мулоқотлар ўтказишди.

Депутатларнинг сайловчилар олдида ҳисобдорлигини таъминлаш, қонун ижодкорлиги фаолияти юзасидан фуқароларга ахборот бериш, жойларда ўз ечимини кутаётган масалаларни аниқлаш ва ўрганишда амалий аҳамият касб этувчи бундай учрашувлар сиёсий рақобат муҳитида партиямизнинг кенг жамоатчилик ўртасида мавқени ошириш, фуқароларнинг ишончини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилаяпти.



ЖИЗЗАХ. Баҳмал тумани ўзига хос табиати, боғ-роғлари, сервикор тоғлари, камтарни ва меҳнаткаш инсонлари билан танилган тўзал замин. Бугунги кунда мазкур туман ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ва бошқа соҳаларда вилоятда етакчи ўрин тутмоқда.

Истиклолнинг 25 йиллик тўйини муносиб кутиб олаётган баҳмалликларнинг кўтаринки кайфияти, уларнинг ҳар бирида яратувчилик иштиёқи ортаётганини Қонунчилик палатаси депутати Тўлқин Абдусатторов билан бўлган учрашувларда ҳам яққол акс этди. Тумандаги "Қатортол", "Дўстлик" маҳаллалари, "Узунбулок", "Маданият" кишлоқ фуқаролар йиғинларидаги учрашувларда депутат сайловчилар эътиборига бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган кенг қўлданги бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида обрў-эътибори ортиб бораётгани, чет мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар, парламент томонидан ишлаб чиқилаётган янги қонунлар ва уларнинг халқимиз ҳаётидаги ўрни тўғрисида атрафлича сўз юритди. Шу билан бирга, дунё сиёсий ҳаёти билан боғлиқ ахборотларни йиғилганлар кизиқиш билан тингладилар.

Депутат жорий йилнинг 24 июнь куни Президентимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари Кенгаши мажлиси яқинлари бўйича оммавий ахборот воситалари учун уюштирилган брифингда сўзлаган нутқининг мазмун-моҳияти ҳақида алоҳида тўхталиди.

Учрашувлар давомида Т.Абдусатторов жойлардаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва ўрганиш ҳамда уларни бартараф этишга маҳаллий Кенгаш депутатлари, масъул ташкилотлар раҳбарлари эътиборини қаратди. Очик мулоқотларда "Узунбулок" кишлоқ фуқаролар йиғини фаоли Умар Воисов мазкур ҳудуддаги ариқ кўпригини қайтадан таъмирлаш ҳамда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш чораларини кўриш, "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Кудрат Мамаражабов ҳудуддаги 46-мактабга янги спорт залини қуриш юзасидан таклиф билдиришди.

Т.Абдусатторовнинг Галлаорол туманидаги "Сарбозор" маҳалласи, "Мирзабулок", "Мулкуш" кишлоқларида сайловчилар билан учрашувларида туман хокимлиги вакиллари, Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят, туман кенгашлари раҳбарлари иштирок этишди.

Депутат Т.Абдусатторов Қонунчилик палатаси томонидан ишлаб чиқилаётган янги қонунлар, уларнинг мазмун-моҳияти ҳусусида батафсил сўз юритди. Фуқароларнинг жамият ҳаётига дахлдорлик хисси билан ёндашувлари уларнинг ҳудудларни янада ривожлантириш, аҳолининг манфаатларини рўёбга чиқариш ҳақидаги фикрларида намён бўлди. Маҳалла фаолларидан Бахтиёр Ақромов, Муҳаббат Окназарова, Инъом Уматов, Ўқтам Тўраев, Рашид Турсуновлар жойларда ечимини кутаётган муаммолар юзасидан таклифларини баён қилдилар. Жумладан, "Сарбозор" маҳалла фуқаролар йиғини фаоли ва меҳнат фахрийси Бахтиёр Ақромов ва Инъом Уматовлар бугунги кунда 5200 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган маҳаллада 500 нафарга яқин боғча ёшидаги болалар учун маҳалла ҳудудида замонавий типдаги мактабгача таълим муассасаси барпо этиш, шунингдек, "Сарбозор" маҳалла фуқаролар йиғини учун янги маъмурий бино қуриш зарурати борлигини қайд этишди.

Учрашувларда депутат сайловчилар саволларига жавоб қайтариб, уларни қизиқтирган мавзулар бўйича ахборот берди.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ.

Қонунчилик палатаси депутати Людмила Кошелапованинг Қибрай ва Зангиота туманларидаги бир қатор маҳаллалар, кишлоқ фуқаролик йиғинлари, муассасаларда сайловчилар билан бўлган учрашувлари ҳам ошқоралик ва ишчилик руҳида ўтди.

Қибрай туманининг "Арғин", "Алиперобод" маҳаллалари ва "Зафаробод", "Янгиобод", "Дўрмон" кишлоқларида ўтказилган учрашувлар фуқароларда депутатларга ишонч ва уларнинг фаолиятига кизиқиш ортаётганини кўрсатди.

Қибрай туманидаги "Арғин" маҳалласи аҳли билан мулоқотлар чоғида депутат аввалги учрашувда фуқаролар томонидан ўртага ташланган масалалар юзасидан маҳаллий Кенгаш депутатлари ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда қилинган ишлар ҳақида тўхталиб ўтди. Фуқароларнинг мурожаатларида келтирилган муаммоларнинг аксарияти ижобий ҳал этилганлиги алоҳида таъкидланди.

БУХОРО. Олий Мажлис

Қонунчилик палатаси депутати Қодир Жўраевнинг сайловчилар билан бу галги учрашувларида маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ҳамкорликда соғлиқни сақлаш тизимини чуқур ўрганиш ва ечимини кутаётган муаммоларга янада кўпроқ эътибор қаратилди. Аввало шаҳардаги кўп тармоқли марказий поликлиникада яратилган шароит ва имкониятлар, "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида ўрнатилган тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозларнинг соҳа ҳолатида эканлиги, фуқароларнинг соғлигини асраб-авайлаш, уларга кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифат даражаси билан яқиндан танишди.

Ушбу марказий поликлиникада ўтказилган учрашувда шаҳардаги оилавий поликлиникалар врачлари ва тиббиёт ходимлари иштирок этидилар. Депутат Қ.Жўраев соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини янада такомиллаштириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишга қаратилган қонун ҳужжатлари, миллий қонунчилигимиздаги янгиликлар ҳақида маълумот ва тушунчалар берди.

Шу ўринда халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи томонидан тузилган ишчи гуруҳи аъзолари икки ҳафта мобайнида Бухоро шаҳридаги 11 та оилавий поликлиника фаолиятини ўрганиб чиқ қанлигини қайд этиб ўтиш жоиз. Қ.Жўраев билан учрашувда ушбу ўрганишларнинг натижалари, фуқароларнинг малакали тиббий хизмат-

дан фойдаланишга доир конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда бир қатор самарали ишлар билан бирга айрими муаммолар ҳам борлиги ҳусусида сўз юритилди.

Шунингдек, мулоқот давомида сайловчилар томонидан ушбу мавзуга оид бир қанча масалалар ҳақида фикр-мулоҳазалар айтилди. Жумладан, замонавий тиббий асбоб-ускуналарни самарали ишлатиш мақсадида чекка ҳудудларда жойлашган ҚВПларда мукобил энергия манбаларини ўрнатиш, мослаштирилган бинолардан фойдаланаётган ҚВПлар учун янги бинолар қуриш, кишлоқ врачлик пунктларининг штат бирдикларига қўшимчалар қиритиш каби таклифлар кўпчиликнинг диққатини жалб этди.

Партия фракцияси аъзоларининг сайловчилар билан учрашувлари янги таклифлар, фойдали мулоқотларга бой бўлди. Депутатлар қонунларда белгиланган тартиблар, норматив-ҳуқуқий меъёриларнинг амалиётда қўлланилиши билан боғлиқ жараёнларни яқиндан ўргандилар.



дан фойдаланишга доир конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда бир қатор самарали ишлар билан бирга айрими муаммолар ҳам борлиги ҳусусида сўз юритилди.

Шунингдек, мулоқот давомида сайловчилар томонидан ушбу мавзуга оид бир қанча масалалар ҳақида фикр-мулоҳазалар айтилди. Жумладан, замонавий тиббий асбоб-ускуналарни самарали ишлатиш мақсадида чекка ҳудудларда жойлашган ҚВПларда мукобил энергия манбаларини ўрнатиш, мослаштирилган бинолардан фойдаланаётган ҚВПлар учун янги бинолар қуриш, кишлоқ врачлик пунктларининг штат бирдикларига қўшимчалар қиритиш каби таклифлар кўпчиликнинг диққатини жалб этди.

Партия фракцияси аъзоларининг сайловчилар билан учрашувлари янги таклифлар, фойдали мулоқотларга бой бўлди. Депутатлар қонунларда белгиланган тартиблар, норматив-ҳуқуқий меъёриларнинг амалиётда қўлланилиши билан боғлиқ жараёнларни яқиндан ўргандилар.

Жамшид РАБИЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилоят кенгаши раиси ўринбосари.
Дилбар ҲАМДАМОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро вилоят кенгаши раиси ўринбосари.
Узоқбой РИСКУЛОВ,
Жиззах вилоят кенгаши матбуот котиби



фуқаро ўз ҳиссасини қўшишга астойдил интилаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Мулоқотлар давомида сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш билан бирга, айрим ижтимоий масалаларга эътибор қаратиш-дир, у ерда мавжуд шарт-шароитлар билан яқиндан таниши, туман кўп тармоқли марказий поликлиникада депутат тиббиёт ходимлари билан аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, шифокорларни ўйлантираётган мавжуд масалалар тўғрисида ҳам суҳбат-лашди.

Л.Кошелапова Зангиота туманидаги Тошкент вилояти Эркин ва йонун-рум кураши федерациясига ҳам таширф буюриб, у ерда мавжуд шарт-шароитлар билан яқиндан таниши, туман кўп тармоқли марказий поликлиникада депутат тиббиёт ходимлари билан аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, шифокорларни ўйлантираётган мавжуд масалалар тўғрисида ҳам суҳбат-лашди.



Қодир Жўраевнинг "CEILINC PRODUKTION", "Дилноза-Бобир-Омад", "Қумушкент-текс", "Шифоқанди" масъулияти чекланган жамиятларида ўтказган очик мулоқотларида қорхоналар фаолиятини замон талабига мос тарзда ривожлантиришга доир таклифлар ўртага ташланиб, тадбиркорлар билан фикрлашиб олинди. Сайловчилар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида технологиялар олиб келиш ва маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишда руҳсат бериш, қорхонага тегишли маъмурий бинони таъмирлашда банкдан кредит олиш, хоридан замонавий технологияларни олиш мақсадида кредит линияси очиш учун валютани конвертация қилиш каби масалалар ҳақида фикрларини баён этишди.

Партия фракцияси аъзоларининг сайловчилар билан учрашувлари янги таклифлар, фойдали мулоқотларга бой бўлди. Депутатлар қонунларда белгиланган тартиблар, норматив-ҳуқуқий меъёриларнинг амалиётда қўлланилиши билан боғлиқ жараёнларни яқиндан ўргандилар.

Жамшид РАБИЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилоят кенгаши раиси ўринбосари.
Дилбар ҲАМДАМОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро вилоят кенгаши раиси ўринбосари.
Узоқбой РИСКУЛОВ,
Жиззах вилоят кенгаши матбуот котиби

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга катта аҳамият берилиб, бу борада бир қатор қонунлар, фармон ва қарорлар, давлат дастурлари қабул қилинди ҳамда уларда тиббиёт муассасаларининг кадрлар салоҳияти ва моддий-техник базасини янада кучайтиришни амалга ошириш бўйича изчил чора-тадбирлар белгиланди.

ЭЛ СОҒЛИГИ – ЮРТ БОЙЛИГИ

Юртимиз келажаги кўп жиҳатдан соғлом ва ҳар томонлама баркамол ёшларга боғлиқ. Шу боис юртимизнинг эртанги куни янада фаровон бўлишида ўсиб келаётган авлоднинг илмий салоҳияти билан бир қаторда, уларнинг соғлом қамол топиши ҳам муҳим аҳамиятга эга, албатта. Мамлакатимизда касалликларнинг профилактикасига, чекка кишлоқлардаги тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини яхшилашга хизмат қилувчи давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Давлат бюджетни маблағларининг салмоқли қисми соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтириляпти. Сўнги йилларда ушбу соҳада амалга оширилган иш-хотлар натижасида Ўзбекистонда аҳолининг узоқ умр кўриши сезиларли даражада ўсди, оналар ва болалар ўлими уч баробардан кўпроқ қисқарди. Буларнинг барчаси жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Айни пайтда дунё аҳолиси ўртасида янгидан-янги, ўта юқумли, ижтимоий ҳафли касалликларнинг пайдо бўлаётганлиги "Адолат" социал-демократик партияси аъзоларини бепарқ қолдирмапти. Шунинг назарда тутиб, партиямиз фуқароларнинг тиббий маданиятини юксалтириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатига, профилактик тиббиётга бўлган эътиборни янада кучайтиришни илгари суради.

"Адолат" СДП аҳолининг кенг қатламга кўрсатиладиган тиббий хизматнинг сифатини янада ошириш, дори воситаларининг ноқонуний айлиниши, қалбақлаштирилган ва сифатсиз дори воситалари сотилишининг олдини олиш тарафдоридир.

Ушбу мақсадларни рўёбга чиқаришда маҳаллий ҳокимият вакиллик органларидаги партия депутатлик гуруҳлари томонидан ҳудудларда бир қатор ишлар қилинмоқда.

Тиббиёт муассасаларининг кадрлар салоҳияти ва моддий-техник базасини янада кучайтириш, кишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар иш самарадорлигини оширишга қаратилган вазифалар ижросини ўрганиш юзасидан халқ депутатлари Когон туман Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзолари Зубайдулло Шарипов, Шаҳоб Файзиёв, Шаҳрилло Абдуллаевлар ҳамда тумандаги тиббиёт муассасалари масъулларидан иборат ишчи гуруҳи тузилган эди.

Ишчи гуруҳи аъзолари туманининг 15 та кишлоқ врачлик пунктларида фаолият юритаётган кадрлар салоҳияти, ҚВПларнинг моддий-техник базаси ҳолати, мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг замон талабига мослигини таъминлашга қаратилган вазифалар ижросини атрафлича таъкидий руҳда ўрганиб чиқди.

Ишчи гуруҳимиз ҳудуддаги тиббиёт муассасалари фаолиятини 40 дан ортиқ йўналишлар бўйича ўрганиб чиқди, — дейди ишчи гуруҳи раҳбари, халқ депутатлари Когон туман Кенгаши депутати Зубайдулло Шарипов. — "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросига алоҳида эътибор қаратилди. Ўрганишларда ҚВП атрофининг санитар-гигиеник, ичимлик суви ва канализация тизими ҳолатидан тортиб, муассасадаги барча тиббиёт хоналарининг белгиланган талабларга қай даражада мослиги, патронаж тизими иш фаолияти, дори-дармон ва тиббий воситалар таъминоти, мурувват (гуманитар) йўли билан берилган дори-дармонлар ва жиҳозлардан қондаларга мувофиқ фойдаланиш ва уларнинг аҳолига етказилиши, ҚВПларнинг куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати, профилактик эмлаш бўйича қилинган ишлар, тиббий кўрик ва репродуктив саломатлик масалалари, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник таъминоти, молиялаштирилиши, кадрлар билан таъминланганлик даражаси, мутахассисларнинг малака ошириш ва тоифаланиши, фуқароларнинг мурожаатларида қайд қилинган масалалар ва яна бошқа бир қатор йўналишлар қамраб олинди ва натижалар атрафлича таҳлил этилди.

Таҳлил ва натижалар шуни кўрсатдики, кишлоқ врачлик пунктларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, фуқаролар соғлигини асраб-авайлашда ибратли ишлар қилинапти. Шу билан бирга, мавжуд камчилик ва нуқсонларни ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Негаки, гап инсон соғлиги ҳақида борар экан, ҚВПлар тўлалигича талаб даражасида ишлаши лозим, — дейди Когон туман марказий поликлиникаси эндокринолог враччи, ишчи гуруҳи аъзоси Сайёра Шаропова. — Дейлик, айрим ҚВПларда "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасидаги тиббий асбоб-ускуналар ўрнатилмаганлиги қайд этилди. Бундан ташқари, "Сиёз-поён", "Уйрот", "Тайтал", "Паррандачилик", "Талча", "Қасри-орифон" каби ҚВПларда санитар-гигиеник ҳолатини яхшилаш зарур. Шунингдек, баъзи ҚВПларда иш ҳужжатларини юритишда камчиликлар бор, фуқаролар мурожаатларини рўйхатга олиш китоблари ва улардаги қайдларнинг нотўғри юритилганлиги ҳам кузатилди. Тиббиёт масканларининг айримларида эса стоматология ва бойлов хоналарини ташкил этиш лозимлигини ҳам айтиш жоиз.

ҚВПларнинг кадрлар салоҳияти ва моддий-техник таъминланганлик даражаси билан яқиндан танишиб, малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ҳам ишчи гуруҳи аъзоларининг диққат марказида бўлди. Ўрганишлар натижасидан келиб чиқиб, ишчи гуруҳи томонидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Бу таклиф ва тавсиялар фаолияти ўрганилган кишлоқ врачлик пунктларида аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этишга хизмат қилиши шубҳасиз, албатта.

Зухро МИРЗОҲАМДАМОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро вилоят кенгаши раиси ўринбосари

Сафдошларимиз голиб бўлишди

ПАРТИЯДОШИМИЗ ЮТУГИ

Урганч шаҳридаги Огахий номи вилоят мусиқали драма театрида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган "Фуқаролар йиғинининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танловни ўтказишдан мақсад маслаҳатчилар ўз зиммасидаги вазифаларни қандай амалга ошираётганини ўрганиш, уларни рағбатлантириш, илҳор иш тажрибаларини кенг омма-лаштиришдан иборат эди.

Тадбир олдида вилоятдаги маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари томонидан тайёрланган кўргазмалар намойиш этилди. Кўрик-танловда иштирок этган 12 нафар иштирокчи танлов низомига мувофиқ уч шарт — такдимотлар намойиши, фаолиятга оид саволлар, эркин мавзу бўйича беллашишди.

Ушбу беллашув ҳакамлар хайъати томонидан баҳолаб борилди.

Натижаларга кўра, Шовот тумани "Огахий" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Нихолжон Ачидиева биринчи ўринни, Хонқа тумани "Маҳорат" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Дилором Дўсметова иккинчи ўринни, Кўшқўшир тумани "Ўртаён" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Ўғилжон Абдуллаева, Янгиғарик тумани "Ачқикўйи" маҳалла фуқаро-

лар йиғини маслаҳатчиси Муқаддас Сандовалар учинчи ўринни эгаллашди.

Ҳолилар орасида партиядошимиз, Хонқа тумани "Маҳорат" маҳалласида фаолият юритаётган БПТ раиси Дилором Дўсметова иккинчи ўринни, партиямиз фаоли, ангиарилик сафдошимиз Муқаддас Саидова учинчи ўринни эгаллагани хоразмлик "адолатчи"ларни қувонтирди.

Замира АБДУЛЛАЕВА,
Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби



Термиз шаҳрининг барпо этилиши тарихи ҳақида ҳам олимлар турли фикрларни ўртага ташлаганлар. Баъзи тарихчилар шаҳарни милоддан олдинги 329-327 йилларда Александр Македонский қурдирган ва уни Окс Искандарияси деб атаган десалар, айримлари шаҳарни янги эрадан аввалги 295-293 йилларда Салавкининг ўғли Антиох барпо эттирган, шу сабабли у Антиохия тармагаси номини олган дейишади. Бошқа бир гуруҳ қадимшунослар эса шаҳарга Юнон-Бақтрия подшоиси Деметрий милоддан олдинги 199-167 йилларда асос солган, натижада у Деметрий исмининг бузилиб талаффуз қилиниши натижасида Гармига номини олган, деган хулосага келганлар. Бу хулосалар ва фаразларни Термиз шаҳри тақдирининг нисбатан кейинги даврлари билан боғлаш мумкин. Аслида шаҳар Александр Македонский, Антиох, Деметрий ҳукмронлигидан олдинги даврларда ҳам мавжуд бўлган. Бу ёзма манбаларда ҳам кўрсатиб ўтилган. Масалан, антик давр муаллифларидан бири Мец "Эпитомея" асарига Александр Македонский Бессни таъкиб этиб, "Мидийлар дарёси" соҳилида жойлашган "Тармантис" шаҳрига етиб бориб, деган маълумотни беради. Бу ерда Тармантис Термизнинг юнонча атамаси эканлиги назарда тутилса, шаҳар Македонский Бақтрияни босиб олгунча мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Кейинги йилларда Эски Термиз шаҳри атрофларида олиб борилган археологик казини-малар натижасида Фаётепа, Коратепа, Чингизтепа ва бошқа кичик қўрғонлардан милоддан олдинги VI-V асрларга оид ноёб осори-атикалар топилдики, булар шаҳар ёни 25 асрдан кам эмаслигини кўрсатди. Бу халқаро жамоатчилик ва ЮНЕСКО ташкилоти томонидан эътироф этилиб, 2002 йилда Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйи ўтказилди. Тарихда Шаҳри Фул-ғула, Тарамастха, Тармантис, Тармига, Окс Искандарияси, Тармид, Та-ми, Та-мо каби номлар билан аталган Термиз шаҳри ана шундай тарихий йўлни босиб ўтган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин Термиз шаҳри қадимиятини жиддий ўрганиш, уни янги тартиқ қилиш, тарихий масканлари, ёдгорликларини асл кўринишига монанд қайта қуриш, таъмирлаш, ободонлаштиришга киришилди. Бу борада иш шаҳарнинг фарбий томонида, 5-6 километр чекда, Амударё соҳилида жойлашган тарихий маскандан бошланди. Бу бежиз эмас. Эеро, шаҳарнинг қадим тарихини намоян қилувчи жой, бир неча юз гектарлик худуддан иборат эски Термиз қалъаси айнан ана шу ўринда бўлган. Археологларнинг кўп йиллик излашилари натижасида қадимий қалъа ўрни белгиланди. Унинг атрофига рамзий мудофаа девори тикланди ва дарвоза ўрнатилди. Қалъанинг Амударё билан туташ нуқталари, арки, саройлар, ички шахристон ҳудудлари аниқланди. Бу ерда тарихий шаҳар тақдирини намоян этувчи, ноёб осори-атикаларини жамлаган музей барпо қилинди. Шу билан бирга, Эски Термиз бағридаги нодир ёдгорлик, удуғ аллома Ҳаким ат-Термизий макбараси асл тарихий қиёфасида таъмирланди ва қайта қурилди. Удуғ аллома хотираси эъзозланди. Айни пайтда, бу тарихий масканда кенг йўлақлар, боғроғлар, кўкаламзор жойлар, дам олиш ўринлари, эколандшафт тизим, хиёбонлар барпо этилди. Бошқача айтганда, кўнра тарих обод, гўзал қиёфада бўй кўрсатди. Бундан ташқари, ушбу мажмуага яқин жойдаги Коратепа қадимий буддавийлик маркази очиб ўрганилди. Фаётепа буддавийлик ибодатхоналари таъмирланди. Шаҳарнинг кунчиқар уфқида жойлашган Султон Саодат ёдгорликлар мажмуаси ва "Қирқ қиз" тарихий маскани қайта қурилиб, таъмирдан чиқарилди.

Шаҳарнинг ўзида ҳам тарихий қадриятларини ва аждодлар меросини улуғлашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Термизнинг 2500 йиллик юбилейи муносабати билан шаҳар марказида Археология музейи барпо этилди. Марказий Осеёда ягона бўлган бу музей шарқона, миллий ва замонавий шаҳарсозлик услубида яратилди. Ниҳоятда маҳобатли, юксак платформа устида жойлашган, олд қисми қолонналар билан безатилган, тепа қисми гумбази бўлиб бино шаҳарда меъморчиликнинг ўзинга хос ноёб намунасига айналди. Шундан кейин "Алпомиш" дostonи яратилганлигининг 1000 йиллиги муносабати билан музейга яқин жойда Алпомиш хайкали қад ростланди. Хайкал атрофида боғ ва боғ олдига достонда қуйланган Ойнақул мисол мавжлабни турадиган кўл бунёд қилинди.

— Мен Сурхондарё, хусусан, Термиз яқинида чорак асрдан олиқ вақтдан бери археолог казини-малар олиб бораётман. Шу вақт ичида Коратепа, Фаётепа, Чингизтепа, Эски Термиздаги тарихий масканларини очиб ўрганим, — дейди япониялик археолог, қадимшунослар олим Като Кюдзо. — Бу ер, ҳақиқатан ҳам инсоният тамаддунининг бешикларидан бири бўлганлигига ишонч ҳосил қилдим. Ушбу заминда бактрлар, сўғлар, аҳмонийлар, юнонлар, кушонлар, саклар, тохарлар ва яна қанча давлатларнинг тарихий излари сақланиб қолган. Қанча халқлар, маданиятлар, илм-фан, савдо ахллари бу ерда учрашган. Бу замин биз учун — японлар, корейлар, хитой ва шарқда яшовчи кўп халқлар учун ҳам ниҳоятда қадри ҳисобланади. Негаки, мамлакатимизда буддавийликнинг тарқалиши учун



Фаётепа, Коратепа каби буддавийлик марказлари асосий роль ўйнаган. Шу сабабли бу масканни биз ўз Маккаю Мадиниамиз сифатида қадрлаймиз. Қадимда гўзал, обод, удуғвор бўлган Термизнинг бугун яна кўркам, чиройли, экологик жиҳатдан мусаффо шаҳар сифатида қад ростлаётганидан беҳад хурсандман.

Шаҳарда қайта қуриш, бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари айнан ана шу нуқтадан — Ат-Термизий кўчасидан бошланди. Шаҳарнинг шарқий ва фарбий қисмларини бирлаштирувчи бу шох кўчада кейинчалик спорт мусобақалари ўтказилган мажмуа, "Сурхон", "Ассон", "Файз" каби меҳмонхоналар, "Марказий дехкон бозори", "Юбилей" савдо маркази, мактаблар, коллежлар, шифохоналарнинг янги иморатлари бўй кўрсатди. Кўча кенгайтирилди. Унинг икки томонида кўкаламзор масканлар, гулзорлар, яшил йўлақлар яратилди. Аввалдан мавжуд иншоотлар замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида таъмирдан чиқарилди. Термиз бағрида мустақиллик даври замонавий шаҳарсозлигининг дастлабки намунаси ушбу шохкўча тимсолида вуजूда келди.

Термиз шаҳридаги бунёдкорлик, қайта қуриш ишлари аэропортга ҳам амалга оширилди. Унинг аввалги кичик, бугунги талабларга жавоб бермайдиган биноси катта қилиб



турар жойи барпо қилинди. Олий ўқув юртининг аввалдан мавжуд бинолари, иморатлари янги асосда таъмирланди. Аудиториялари янги технологиялар билан жиҳозланди. Булар университетни бутунлай янги қиёфага киритди. Ҳозирги пайтда, университет ва илм

тон Саодат", "Алишер Навоий", "Истиқлол", "Баркамол авлод" каби кўчаларда қўллаб мухташам турар жойлар тикланди. Бу турар жойларнинг аксарияти уч-тўрт қават қилиб қурилди. Уларнинг биринчи қаватидан турли хизмат кўрсатиш объектлари, савдо уйлари, тамаддионалар ўрин олди. Қолган қаватлари аҳолининг уй-жойларидан иборат. Бундай масканлар ҳам аҳолининг яшashi, ҳам уларнинг кундалик эҳтиёжлари учун қулайликлар туғдирмоқда. Хар бир кўча, маҳалла, даҳа ва мавзедаги уйлар, бинолар тархи, қурилиши, кўриниши жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Айни пайтда, кўчалардаги бинолар, иморатлар, иншоотлар тархи кўринишидаги биринчи қаватдаги тўқ жигарранг ва юқори қаватларидаги сарғиранг шаҳарнинг янги замонавий ва миллий шаҳарсозлик белгисига айланган. Бу энди барпо этилаётган биноларнинг қиёфасида ҳам намоён бўлмоқда.

Шаҳарда янги турар жойлар, даҳалар, мавзелар қурилиши билан биргаликда қўллаб умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, мактабгача тарбия муассасалари ҳам бунёд қилинмоқда. Булар ҳам, шубҳасиз, шаҳар ҳаётини янгилашга, уни яшатиришга, обод қилишга ҳисса бўлиб қўшилимоқда. Айниқса, ёшлар учун, уларнинг талаб-эҳтиёжлари инобатга олинган ҳолда қўллаб иншоотлар барпо этилмоқда. "Сур-



ларга назар ташласангиз, улар ҳам Термизнинг бугунги кўрқига, ободлигига, гўзаллигига мос тарзда қад ростлаётганлигини кўрасиз. Эндиликда одамлар юртининг ободлиги ўз уйи, кўчаси, маҳалласи ободлигидан бошланганини англаб етдилар. Ютуқларимиз асоси ҳам ана шунда, деб ўйлайман.

Булардан ташқари, ўтган йили шаҳарда ёш оилаларга атаб 64 хонадондан иборат "Қамолот" уйи қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Бу йил эса бундай бахтга мушарраф бўладиган ёш оилалар сонини икки хиссага кўпаяди. Умуман, бу ерда амалга оширилаётган катта бунёдкорликлар, яратувчиликлар Термиз бағрида Ёшлар шаҳарчасини вуजूда келтирмоқда ёхуд Термизни ёшлар шаҳрига айлантирмоқда, десак хато бўлмайди.

Мамлакатимиз Президентининг 2015 йил 22 майдаги қарори асосида тасдиқланган 2015-2017 йилларда Сурхондарё вилоятининг йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури воҳа маркази Термиз шаҳридаги бунёдкорлик, қурилиш ишларини яна ҳам кенгайтиришга имкониятлар яратиб берди. Шаҳарда қурилиш ишлари аввал унинг шарқий ва шимолий худудларида олиб боришдан бўлса, эндиликда барча нуқталарида амалга оширилмоқда. Шу йил Хотира майдонини мажмуаси барпо этилиб, шаҳар аҳлининг зиёратгоҳига айланди. Шаҳар марказидаги Дўстлик боғида 700 ўринга мўлжалланган Санъат саройи қурилиши якунига етмоқда. Атрофи катта боғ, кўкаламзор маскан — эколандшафт тизими ва фавворалар майдонидан иборат бўладиган бу сарой замонавий ва миллий шаҳарсозлигининг гўзал намуналаридан бири сифатида барпо этилмоқда. У ҳақиқий санъат қопонасига, маданият, маънавият аҳлининг кўркам даргоҳига айланади.

Булардан ташқари, шу қулларда Термиз Археология музейи мукамал таъмирдан чиқарилмоқда. Шунингдек, амфитеатр биноси қурилиб, обод ва кўркам тарзда қад ростлайди. Шаҳар бағрида умумий овқатланиш, дам олиш масканлари, болалар учун аттракционлар, кичкинтойлар боғлари, автомобиллар тўхташ жойлари, хиёбонлар ва яна бошқа иншоотлар барпо этилади.

Шаҳарда юқоридagi дастурга мувофиқ янги турар жойлар, мавзелар, даҳаларни қуришда ўзинга хос йўл тутилмоқда. Яъни, кўп қаватли уйлар ораликларида яшил зоналар, боғ-роғлар, хиёбонлар яратилиб, фавворалар, сув хавзалари қурилмоқда. Бунинг сабаби бор. Термиз мамлакатимизнинг энг жанубида жойлашган ёш ниҳоятда иссиқ шаҳарлардан бири ҳисобланади. Шу сабабли фавворалар, дарахтзор хиёбонлар, эколандшафт тизим шаҳарга ободлик, озодалик, кўркамлик бағишлаш билан бирга микроклимат хосил қилиш ҳам ёрдам беради. Бундай қурилиш, яратувчилик ишлари нафақат кўп қаватли турар жойлар атрофларида, балки маҳалла турари, даҳаларда ҳам амалга оширилмоқда.

Дастур асосида Термизда кўчаларни қайта қуриш, кенгайтириш, шаҳар ичида халқа йўллари барпо этиш, айланма йўллари яратишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Замонавий ва миллий шаҳарсозлик асосида муҳандислик-коммуникация, бозор инфратузилмасини тубдан такомиллаштириш, экологик муҳитни яхшилаш каби масалаларга ҳам эътибор берилмоқда. Хуллас, бу амалга оширилаётган бунёдкорликлар аҳолининг фаровон ҳаёт кечирishi ва шаҳарнинг обод, гўзал, кўркам тарзда барпо этилиши учун хизмат қилмоқда.

Президентимиз яқинда Сурхондарё вилоятига ташрифи пайтида Термиз шаҳрида амалга оширилган бунёдкорлик ишларига юксак баҳо берди. Келгусида қилинадиган ишлар, шаҳарсозлик соҳасидаги янгиликларни ҳаётга жорий қилиш борасида алоҳида тўхталиб ўтди. Давлатимиз раҳбарининг "Қурилиш ишларини бугунги замон талабларига мос ҳолда олиб бориш керак. Бу жараёнда аввало лойиҳани пухта ишлаш, салоҳиятли пулдратчи ташкилотларни танлаш, замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш даркор. Энг муҳими, бундай салобатли иншоотларга замонавий қурилиш материалларини ишлаштириш, дизайни мослигига алоҳида аҳамият қаратиш зарур. Биз қураётган бундай бинолардан наиники бугунги, балки келгуси авлодлар ҳам завқ олсин, асрлар давомида эслаб, ўзгача гурур билан яшasin", деган сўзларида нафақат шаҳаримизнинг, балки мамлакатимизнинг бунёдкорлик истиқболи ҳам кўзда тутилганлиги бирорта юртошимизни бефарқ қолдирмайди.

ШИЖОАТКОР ЭЛНИНГ ҚУДРАТИ

кайта тикланди. Аэропорт ичида йўловчиларга хизмат кўрсатадиган янги терминаллар ўрнатилди. Маълумки, Термиз мамлакатимизнинг жанубий гавани ҳисобланади. Бу гаванга дунёнинг турли нуқталаридан сайёҳлар, меҳмонлар келади. Замонавий аэропорт барчага юксак даражада хизмат қиладиган обод ва гўзал масканга, шаҳарнинг меҳмондўстлигини намоян этувчи дарвозага айналди.

Шаҳарнинг яна бир дарвозаси ҳисобланган Термиз темир йўл вокзалида ҳам катта миқёсда қайта қуриш, модернизация ишлари олиб борилди. Кичик, кўрimsиз бинолар ўрнида замонавий, барча хизмат турлари йўлга қўйилган, чиройли, катта вокзал барпо этилди. Вокзал олдига майдон ва хиёбонлар обод қилинди. Йўловчилар учун кенг имкониятлар яратилди. Хуллас, аэропорт ва вокзал фаолиятида ҳам шаҳар ҳаётидаги бунёдкорликлар, ўзгаришлар ифодасини топди.

Кейинги йилларда Термизда замонавий ва миллий шаҳарсозлик анъаналари асосида ижтимоий соҳага доир объектлар, иншоотлар, кўп қаватли иморатлар, турли ташкилотлар, корхоналар идоралари қурилди. Ана шулар сафини Термиз давлат университети учун бунёд этилган янги бинолар тўлдирди. Хусусан, дорифунунинг кўп қаватли янги ўқув корпуслари тикланди. Ахборот-ресурс маркази, спорт мажмуаси, 400 ўринга эга талабака

талабаларининг, профессор-ўқитувчилари, устозларининг умуман, илм-аҳли, маданият ва маънавият намоёндаларининг соғлигини тиклаш, маданий-маънавий дам олишлари учун хизмат қиладди.

Термиз йилдан-йилга кенгайиб, катталашиб, шаҳар бағри тўлишиб, янгича чирой очиб бормоқда. Айниқса, кейинги 4-5 йил ичида "Сул-



ҲАМКОРЛИК НАФАСИ

Бугун Сурхондарёда барча соҳаларда кенг қўлама янгилаш ва ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Натижада ўзига хос муваффақиятлар қўлга киритилмоқда.

Вилоятда шу йилнинг дастлабки чорагида янги худудий маҳсулот ўсиши 8,4 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7,6 фоизни, қурилиш-пулдрат ишлари 11,5 фоизни ташкил этганилиги ҳам ана шу ютуқларнинг ифодасидир. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши туфайли унинг вилоят янги худудий маҳсулотидagi улуши 57 фоиздан ошганлиги янада қувонарлидир.

Бу борада Термиз шаҳрида амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга молик. Шаҳарда юзлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритмоқда. Ана шулар орасида "Сурхон Термиз Чинни" масъулияти чекланган жамиятининг алоҳида ўрни бор. Корхона вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат дастурига мувофиқ 2015 йилнинг февраль ойида Хитойнинг "Hanzhou PESK Trading Co LTD"

миз. Сабаби аён: бунинг натижасида тарихимиз тикланмоқда, шаҳаримиз обод бўлмоқда. Ўлкамизга келувчи меҳмонлар кўпаймоқда. Дунё халқлари билан ҳамкорликларимиз кенгаймоқда. Қилаётган бунёдкорлик ишларимизни дунё аҳлига кўрсатишга имкон туғилмоқда. Қолаверса, туризм иқтисодий фойда ҳам келтиради. Шу ўринда кўнглимда юрган бир фикрни ҳам айтишни истардим. Дарё бўйида жойлашган шаҳарлар сайёҳлик борасида омадли ҳисобланади. Термиз ҳам Аму бўйидаги сайёҳлик имкониятларига бой шаҳар.

Афсуски, қўшни Афғонистон худудидagi нотинчликлар сув йўли сайёҳлар таъминини яратишга имкон бермаётибди. Лекин келгусида қўшни мамлакатда тинчликнинг барқарор бўлиши бу борадаги режалар амалга ошириш учун йўл очиб беради. Ана шунда Термиз ҳақиқий сайёҳлик марказига, дўстлик шаҳрига айланади, деб умид қиламиз.

Бахтиёр САФАРОВ,
халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши депутати

Гўзаллик гўзалликдан туғилади, дейишади. Ҳақ гап! Лекин асл гўзаллик инсоннинг ижодкорлик, яратувчилик, бунёдкорлик қудратидан пайдо бўлади. Бунинг асосида эса ҳар бир инсоннинг ўз юртига, ўз элига нисбатан юксак эҳтиром, сўнмас муҳаббати ётади. Бугун Сурхон воҳасининг маркази Термизда, қадим-қадимдан "Маданият улрижол" ("Мардлар шаҳри") деб эъзозланган шаҳарда амалга оширилаётган улуғвор ишларда сурхондарёликларнинг, гўзаллик яратаётган улуғвор шижоаткор элнинг қудрати яна бир бор намоён бўлмоқда.

ЭЛЕКТРОН ҚАБУЛ қачон жорий этилади?

ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

Юртимизда таълим тизимини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Ўқув-қизиларимиз жакон андозаларига мос шароитларда билим олиши, жисмоний ва маънавий етук инсонлар бўлиб улгайишни таъминлаш, қобилиятни, иқтидорини юзага чиқариш учун етарлича шароит яратилган.

Хозирги кунда республикамизда фаолият юритаётган 81 та олий таълим муассасаларида иш қилгани. Абитурientлар ўқишга хужжат топшириш билан банд. Таъкидлаш лозим, кейинги йилларда олий таълим муассасалари кўпайиши, қолаверса, аҳоли сонининг ортини олий таълим муассасаларида тахсил олиш истига бўлган абитурientларнинг сафи йилдан-йилга кенгайишига сабаб бўлмоқда.

Қувонарлиси, бугунги кунда деярли барча олий таълим муассасасининг расмий веб-саҳифаси мавжуд бўлиб, ушбу сайтлар орқали абитурientлар ҳеч қангача чикмасдан, ўз хонадонидан туриб, қўл телефони ёрдамида ўзларини кизиктирган таълим муассасасига кириш учун топшириладиган хужжатлар рўйхатидан тортиб, муайян йўналиш бўйича қайси фаиллардан имтиҳон топшириши ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан таълим муассасалари веб-сайтларининг рейтигини тузилиши эса мазкур сайтларда тезкор, сифатли ва ишончли маълумотлар жойлаштирилиши, абитурientлар, талаба ва педагоглар, ота-оналар учун интерактив хизматларнинг жорий этилиши йўлида соғлом рақобат юзага келишига хизмат қилиши муқаррар.

ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТ — ВАҚТ ВА МАБЛАҒНИ ТЕЖОВЧИ ВОСИТА

Интерактив хизматлар интернет асрининг муҳим воситасига айланиб улгурди. Бугун республикамизда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 260 дан ортқ турдаги хизматлар жорий этилган. Бундай хизматлар аҳоли ва давлат ташкилотининг муносабатини янги босқичга олиб чиқиди, ўзаро ишончлини мустаҳкамлайди, ҳар икки томон вакилларининг вақти, маблағини тежайди. Маълумотларга

қўра, мамлакатимизда ҳар 100 та оилдан 47 таси шахсий компьютерга эга, ҳар 100 та оилга 234 та мобил телефон тўғри келмоқда. Интернетдан фойдаланувчилар сони эса 12 миллион нафардан ортган. Бу рақамларнинг барчаси интернет ёрдамида давлат интерактив хизматларидан фойдаланишни ёқловчиларнинг, улардан фойдаланиш талабгорларининг сони ортишига олиб келади, албатта.

Ана энди олий таълим муассасаларида қабул жараёни қизғин кечаётган, шунингдек, "Электрон

таълим муассасаларида расмий сайт бўла туриб, абитурientларга, уларнинг ота-оналарига яна бир қулайлик яратувчи бундай хизматдан фақатгина 1300 ёки ундан сал кўпроқ абитурient фойдалана олишидан қониқиб хосил қилишимиз тўғримикин? Ахир, йилга ўрта ҳисобда ярм миллион нафардан зиёд абитурient олий таълим муассасасига кириш учун хужжат топширади-ку...

Олий таълим муассасаларининг 40 фозидан ортқи пойтахтда жойлашганини инобатга олдидан бўлса, Тошкент шаҳрида ўқини истагини билдирувчилар сони, табиийки, кўп бўлади. Ак-

ЎРИНЛИ ЭЪТИРОЗ

— Болаликданок катта бўлганимда ўқитувчи бўлишни орзу қилиб келаман, — дейди тахририятга кўнчирок қилган абитурientлардан бири Дилбар Турғатова. — Сабаби устоз, мураббий ҳар бир инсоннинг хаётида муҳим аҳамиятга эга касб эгаси ҳисобланади. Қолаверса, болаларни яхши қўраман. Улар билан ишлаш кишига завқ баришлайди, деб ўйлайман. Шу мақсадда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг "Мақтабгача таълим" йўналиши бўйича хужжат топшириш ниятида мазкур олий таълим муассасасига таширф буюрдим. Аввалига мазкур йўналиш бўйича қабул ўтказилаётган мактабни изладим. Узок вақт навбатда туриб "063" шакли маълумотнома ҳам кераклиги ҳақида эътибор қолдим. Гарчи қабул ўтказилаётган жойда пештахтада зарур хужжатлар тўплами ҳақидаги эълонда бу каби маълумотнома зарурати ҳақида ахборот йўқ бўлса-да, навбатни назорат қилиб турган масъул ходимлар боғлиқ миш-миш тўғрисида тасдиқлади. Шунда ҳафсадам пир бўлиб, ортимга, Окқўрғон қайтишга мажбур бўлдим. Кейин билсам, "063" шакли маълумотномада эмланганлик тўғрисидаги қайдар ёзилган бўлиб, "086" шакли маълумотномага қўшимча равишда илова қилинар экан. Бу илова эса тиббиёт муассасасида сўралган тақдирда берилар экан. Шунда нимаки бўлса, яхшиликка, келажакда бола билан ишлайдиган бўлгуси талаба, албатта, юқумли касалликлардан ўзини ва тарбияланувчиларини муҳофаза эта олган бўлиши керак, деган хулоса билан қабул комиссиясига қайтиб келдим. Лекин бир нарсага тушунмадим, нима сабабдан бу ҳақида эълонларда ёки расмий сайтда маълумот берилмаган? Бундан ташқари, ўз билим ва салоҳиятимизга тўғри баҳо бериш мақсадида ўзимиз хужжат топширган йўналиш бўйича бақалав-

риятта неча нафар абитурientдан ариза келиб тушгани ҳақидаги жорий маълумотлар билан қизиқдик, лекин бирон-бир инсон бу ҳақида маълумот бера олмади.

Хақиқатан ҳам, қабул жараёнида турли саволлар учраши табиий. Баъзан билб ёки билмай абитурientлар муайян хужжатни қабул комиссиясига олиб бормаган бўлиши мумкин. Тошкент ва Окқўрғон ўртасидаги масофа 100 километрга етмайди, лекин, айтайлик, Хоразм ёки Қашқадарё вилоятидан келган абитурientнинг хужжатида аллақандай камчилик бўлган тақдирда, унинг бориб-келиши учун яна қангача вақт ва маблағ сарфланишини қўз олдимизга келтирайлик-чи...

НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Амалдаги тартибга қўра, хужжат топширишдан ташқари абитурient 26 июлда қабул комиссияси томонидан эълон қилинган бинолар ва аудиторияларнинг режа-чизмалари, тест топшириладиган бинонинг қаерда жойлашганлиги билан танишиши, гуруҳ тартиб рақами кўрсатилган руҳсатномани эса 27 июлдан бошлаб таълим муассасаси қабул комиссиясидан олиши керак.

Бизнингча, абитурientлар учун электрон рақамли имзо ёрдамида таълим муассасасига ариза ёзиб, унга JPEG, PDF форматдаги хужжатларини илова қилиш ва электрон манзилга рад ёки тасдиқ жавобини қабул қилиб олиш, зарурат туғилганда эса керакли хужжатни қўшиб қайта мурожаат қилишига имконият ярати берувчи механизмни ишга тушириш вақти келган. Шахсан абитурientнинг ўзи имтиҳон кунига яқин тегишли руҳсатномани олиш учун келса ҳам бўлади. Ахир, бугун тадбиркорлар, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларини тегишли давлат ташкилотига электрон шаклда юборётгани қанчалик самара бераётганининг гувоҳи бўлаёмиз-ку...

Биз бу мақола билан кимгадир ақл ўргатиш ёки кимнингдир ишдан айб излаш мақсадида эмасмиз, аксинча, тегишли соҳа вакиллари аҳолига қулайликлар яратиш борасида янги, замонавий усулларни жорий этишни жадаллаштиришга ундаш ниятдамыз.

Саодат СОДИҚОВА, «Адолат» муҳбири

“Адолат” СДП мамлакатимиз ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) юқори даражада жорий этилган илғор мамлакатлар қаторига кириши лозим, деб ҳисоблайди. Шу муносабат билан партия бундан кейин ҳам АКТни жорий этиш ва ривожлантириш, соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тарафдори бўлиб қолаверади. Биз фуқароларга интерфаол давлат хизмати кўрсатиш жараёнига алоҳида эътибор қаратамиз.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сайловолди дастуридан

хукумат тўғрисида”ги қонун қучка қирган бир пайтда ҳақли бир савол туғилади. Олий таълим муассасаларида электрон қабул интерактив хизматини йўлга қўйиш вақти келмадимикин?

Хабаримиз бор, Тошкент ахборот технологиялари университетида хужжатларни онлайн режимода олий ўқув юртининг расмий сайти орқали қабул қилиш бўйича “интерфаол” хизматдан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлиб, бундай хизматдан шу қунгача 1300 дан зиёд абитурient фойдаланган.

Бироқ айнан шундай интерфаол хизматни ахборот технологиялари билан “тиллаша оладиган”, мазкур йўналишда юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга масъул бўлган олий таълим муассасасидан бошқа таълим муассасаларида жорий этишга нима ҳалал беради? Деярли барча олий

сарият холларда республикамизнинг чекка худудларидан пойтахтга хужжат топшириш учун фақатгина абитурientларнинг ўзи эмас, балки уларнинг ота-оналари ёки ака-опалари ҳам бирга келади. Улар таълим муассасасини излаб топгунча, навбатда туриб, хужжатларни қабул комиссиясига топширгунча кетадиган вақти, маблағи, асабини саклашининг зарурати юқори бўлади, барчага бирдек манзур бўларди, албатта. Айниқса, бунинг учун таълим муассасаларида барча техникавий, ташкилий шароитлар мавжуд бўлган бир пайтда... Илғор педагогик технология ва шаклларда дарс бериш учун етарли моддий-техник база билан таъминланиб бораётган таълим муассасаларининг расмий сайтларида нахотки электрон қабул хизматини қўллаш учун шароит бўлмаса?..

Автомобиль транспорти соҳасига оид қонунчилик

йўл ҳаракати иштирокчиларини ҳимоя қилади

“АДОЛАТ” ШАРҲИ

Автомобиль транспорти Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқариш инфратузилмасининг энг муҳим таркибий қисмидир. Унинг барқарор ва самарали фаолият юритиши иқтисодиётнинг юқори суръатда ўсишини, яхлитликини, мамлакатнинг миллий хавфсизлиги ва мудофаа қобилиятини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ҳамда Ўзбекистоннинг дунё иқтисодиётига оқилона интеграциялашуви учун муҳим омил ҳисобланади.

Бугунги кунда соҳада дунё таърибаси инобатга олинган ҳолда автомобиль транспорти фаолиятини тартибга солишчи қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база яратилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль транспорти тўғрисида”, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”, “Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида”, “Шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланиш тартибга солиш тўғрисида”, “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”, “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида” ва “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги қонунлари соҳанинг асосий хужжатлари ҳисобланади.

Сўнгги 4 йил мобилинда автомобиль транспорти соҳасидаги қонунчиликка жиддий ўзгаришлар киритилди, бир қатор муҳим норматив-ҳуқуқий хужжатлар қабул қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни тўлиқ қайта ишлаб чиқилди ва янги тахрирда қабул қилинди. Янги тахрирдаги қонунда йўл ҳаракатининг асосий принциплари (қонун-қоидалари) белгиланган, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва подавакт нотижорат ташкилотларнинг иштирок этиши назарда тутилган, йўлларни сервис объектлари билан жиҳозлаш, тартибга келтириш, фаолиятини транспорт воситаларидан фойдала-

ниш билан боғлиқ бўлган юридик шахсларнинг ҳодимларини ўқитиш, малакасини ошириш, йўл-йўриқ бериш ва билимларини текшириш бўйича талаблар киритилган, меҳнат шартномаси асосида ишлайдиган хайдовчиларнинг ҳуқуқлари ва бошқалар белгиланган.

Барча транспорт турлари томонидан ташувчилар амалга оширилиши жараёнида йўловчилар хаёти, соғлиги ва мулкига етказилган зарар қопланишини қаролатлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Қонун қабул қилиниши билан йўловчилар хаёти, соғлиги ва мулкига етказилган зарар учун ташувчининг фуқаролик жавобгарлиги суғурталаниши тартибга солинди. Мазкур қонунда ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаниши амалга ошириш шартлари ва тартиби, мажбурий суғурталаш шартномаси бўйича суғурта тўловини тўлаш, мажбурий суғурталаш субъектларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, суғурталовчининг фаолияти хусусиятлари ва бошқалар белгиланган.

Соҳадаги қичик қорхоналарни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетди параметрлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур қарорда



автотранспорт соҳасидаги қичик қорхоналар ҳодимлари сонининг чегараланган миқдори 25 нафардан 50 нафарга кўпайтирилиши белгиланган. Ҳодимлар сонининг четараланган миқдори кўпайтирилиши автотранспорт учун зарур бўлган малакали ҳодимлар билан тўлиқ таъминланиши, янги иш ўринлари яратилиши, таъмирлаш зоналари, автосервис хизматлари ва автомобильларни ювиш ва бошқа хизматларни яратиш билан ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, автотранспорт воситалари ва тегишли равишда қичик қорхоналар сони сезиларли даражада кўпайиши ҳисобига солиқ тўловларининг бюджетга келиб тушиши миқдори кўпайишига имконият яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан автомобиль транспортида юқори ташви жараёни иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни,

уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликларини қатъий белгилайдиган ҳамда юқор ташвилиши, уларнинг сакланиши ва автомобиль транспортида амалга ошириладиган юқор ташвилишининг бошқа шартларига талабларни белгилайдиган Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида юқор ташви ташви қоидалари тасдиқланди.

Сиклилан табиий, суолтирилган нефтли газда ёки дизель ва газсимон ёқилги аралашмасида ишлайдиган автотранспорт воситалари хавфсизлиги учун ягона талабларни ўрнатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан Сиклилан табиий газда, суолтирилган нефть газда ёки дизель ва газсимон ёқилги аралашмасида ишлайдиган транспорт воситаларининг хавфсизлиги тўғрисида Умумий техник регламент тасдиқланди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозим, мамлакатимизда автотранспорт қорхоналарининг ёнгин хавфсизлигига, йўналишсиз такси фаолиятига, дарё транспортига ҳамда ташувчиларнинг раҳбарлари ва ҳодимлари учун қўйиладиган малака талабларига доир ҳуқуқий ва ташкилий асослар мавжуд бўлиб, бугунги кунда автомобиль транспорти соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш, уни ҳалқоро ҳуқуқ нормалари ва дунё амалиёти билан уйғунлаштириш бўйича ишлар давом этмоқда.

Тоҳирхўжа ЖАМОЛХОДЖАЕВ, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Норматив хужжатларини ишлаб чиқиб бўлими бошлиғи ўринбосари

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!

«ЖАМИЯТ ВА МЕН»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ва фотожурналистлари учун «Жамият ва мен» танловини эълон қилади.

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги ислохотларнинг бориши, жамиятнинг фаол аъзолари ташаббусларини бирлаштириш, ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ОАВ ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ижодий ишлар қўйидаги йўналишлар бўйича қабул қилинади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида ўтказилади.

Танлов йўналишлари:

- Ижтимоий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- Иқтисодий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- Тарихий ва маданий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- Сиёсий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- Илмий-техник мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- Спорт мавзусида ёритилган энг яхши материал;
- Ижтимоий шериклик мавзусида ёритилган энг яхши материал;
- Жамоатчилик назорати мавзусида ёритилган энг яхши материал.

Махсус номинациялар:

- «Ўз даврининг қаҳрамони» мавзусида энг яхши мақола;
- «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида ёзилган энг яхши мақола.

Танловни ўтказиш шартлари ва тартиби:

Танловга номзодлик учун тақдим этиладиган материаллар 2016 йил 1 январдан 10 ноябргача босма нашрларда чоп этилган бўлиши керак. Улар юқасқ касбий даража билан ажралиб туриши ва қўйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ:

- тақдим этилган мавзуда мувофиқлик;
- мавзунини ёритишда асослиги ва ўзига хослиги;
- материалнинг маънодорлиги ва тушунарлилиги;
- аниқ ва ишончли маълумот.

Танловда иштирок этиш учун аризалар мазкур эълон чоп этилган вақтдан бошлаб 10 ноябрга қадар Тошкент шаҳар — 100129, А.Навойи кўчаси, 30 уй, 2-қават, 45-хона манзили бўйича қабул қилинади.

Мурожаат учун: (371) 244-14-28

Ҳар бир номинация бўйича танлов ёлбизлари махсус диплом ва ноутбук билан тақдирланади. Танловга юборилган материаллар қайтарилмайдими, улар учун тақриз ёзилмайдими ва ҳақ тўланмайдими.

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ! Управление благоустройства Хокимията города Навои ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

По объекту: «Устройство системы видеонаблюдения и электроснабжения перекрестков г.Навои Навоийской области».

Стартовая стоимость заказа составляет без НДС 1 041 615 026 сум, с НДС 1 249 938 031 сум. Срок окончания работ, установленный заказчиком 90 дней.

Заказчик Управление благоустройства Хокимията города Навои.

Расположенный г.Навои, ул.С.Айний 107. Финансирование проекта будет осуществляться за счет средств местного бюджета.

(при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса)

К конкурсному торгам, допускаются исключительно подрядные организации, включенные в Реестр строительного-подрядных организаций.

Для выполнения работ требуются соответствующие лицензии.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участником конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достигаются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области по адресу г.Навои, ул.Гвасалия 2А, тел: 225-49-96, 225-47-98.

Стоимость одного комплекта документов 150 000 сум. Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г.Навои, ул.Гвасалия 2А, тел: 225-49-96, 225-47-98.

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится по адресу г.Навои, ул.С.Айний 107, не менее чем через 30 дней после опубликования объявления (дату и время сообщения дополнительно).

➤ 20 ИЮЛЬ — ХАЛҚАРО ШАХМАТ КУНИ

Товарак-атрофи дарахтлар, яшил майсазор, анвойи гуллар билан қопланган бу сўлим маскан чиндан кишига хушқайфият бағишлайди. Шундоқ қаршида катта анҳор шовуллайди, ёнгинасида эса очик теннис корти жойлашган. Уч қаватли кўркем бино пештоқида акс эттирилган шахмат донаси — от эса шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабига йўналишни тўғри олганимиздан далолат беради. Дарҳақиқат, мажмуа ҳовлисига жажжи ўғил-қизларнинг қўлидан етаклаб кириб бораётган ота-оналар, йўл-йўлакай суҳбатлашиб, баҳслашиб кетаётган ўқувчи-спортчиларнинг юз-кўзидаги ифода ҳам шуну исботлаб турибди.

Шу ўринда олтиш тўрт катта ичида кечадиган шахмат ўйинларида нафақат спорт ва санъат, балки фалсафа, мантқиқ, ҳисоб илмлари ҳам ўзаро жамлашиб, ажиб уйғунлик касб этишани таъкидлаш жоиз. Давомли мантқиқий фикрлашни ривожлантирувчи интеллектуал ўйинлар ичида энг асосийси ва мураккаби, мукаммал бўлган шахмат билан бугунги кунда дунёда 500 миллиондан ортиқ киши шуғулланаётгани ҳам бежиз эмас, албатта.

Маълумки, Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) қарорига биноан, ҳар йили 20 июль — Халқаро шахмат куни сифатида нишонланиб келинади. Ушбу сана муносабати билан шахмат ихтисослаштилари кўплаб мусобақалар, етакчи шахматчилар билан учрашувлар, шахмат сеансларида катнашишади. Бу ўйинларда инсон тафаккури нечоғли бекиёс қудратга эга эканлиги тақрор ва тақрор намоён бўлаверади.

Ўзбекистон шахмат федерацияси 1992 йилдан ФИДЕ аъзоси ҳисобланади. Ўтган йиллар давомида федерация томонидан мамлакатимизда ва жаҳонда шахматни ривожлантириш ҳамда оммавийлаштириш йўлида қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, мамлакатимиз шахмат бўйича китъа чемпионатлари, нуфузли Гран-при турнирларида меъдонлик қилди.

Маълумотларга кўра, истиклол йилларида ФИДЕга аъзо фаол шахматчиларимиз сони 1000 нафардан, балки фалсафа, мантқиқ, ҳисоб илмлари ҳам ўзаро жамлашиб, ажиб уйғунлик касб этишани таъкидлаш жоиз. Давомли мантқиқий фикрлашни ривожлантирувчи интеллектуал ўйинлар ичида энг асосийси ва мураккаби, мукаммал бўлган шахмат билан бугунги кунда дунёда 500 миллиондан ортиқ киши шуғулланаётгани ҳам бежиз эмас, албатта.

— Хушxabарни матбуот ходимларидан биринчи бўлиб сизларга айтаяпман: Эронда мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида 4 нафар ўқувчи-спортчимиз, яъни Алихон Авазхонов ва Ҳумоюн Синдаров олтин, шахматчи қизларимиздан Афруза Ҳамдамова олтин, Нозима Валиева кумуш медални қўлга киритишди. Ун саккиз давлатдан вакиллар иштирок этган мазкур мусобақада Ўзбекистондан борган ёш шахматчиларимиз энг юқори ўринга кўтарилди.



ташкил этилган ва самарали фаолият юритмоқда. Шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Комил Синдаров бизни илҳом қилди: — Хушxabарни матбуот ходимларидан биринчи бўлиб сизларга айтаяпман: Эронда мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида 4 нафар ўқувчи-спортчимиз, яъни Алихон Авазхонов ва Ҳумоюн

Синдаров олтин, шахматчи қизларимиздан Афруза Ҳамдамова олтин, Нозима Валиева кумуш медални қўлга киритишди. Ун саккиз давлатдан вакиллар иштирок этган мазкур мусобақада Ўзбекистондан борган ёш шахматчиларимиз энг юқори ўринга кўтарилди.

Хурсандчилик устидан чиққанимиздан биз ҳам мамнун бўлиб, эришилган галаба билан жамоани кутладик. Суҳбат жараёнида шахмат мактабига қабул жаҳон, Осиё, Ўзбекистон чемпионларига тўғридан-тўғри, бошқа шахматта кизиқувчилар учун эса танлов асосида белгилангани билан бўлиб олдик. Йили пайтда бу спорт мажмуасида 5 ёшдан 18 ёшгача бўлган 200 нафардан зиёд шуғулланувчиларга 2 нафар халқаро гроссмейстер ва спорт усталари шахмат сир-синоатларидан сабоқ бераётган экан.

— Президентимиз раҳнаомлигида мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор натижасида кўплаб спорт турлари қатори шахмат ҳам юртимиз ёшлари ўртасида тобора оммаланимоқда, — дейди Комил Синдаров. — Буни мустақиллик йилларида ўғил-қизларимизнинг шахмат

бўйича дунё миқёсидаги мусобақалар, халқаро турнирларда эришган муваффақиятлари ҳам исботлаб турибди. Ер юзидаги 200 дан зиёд давлатлар орасида шахмат бўйича ўз жаҳон чемпиони эга бўлган ўн давлат қаторида Ўзбекистоннинг ҳам борлиги юртимизнинг бу соҳадаги салоҳиятини англатади. Рустам Қосимжонов бошлаб берган чемпионлик эстафетасини бугун ёш бўлишига қарамай жаҳон чемпиони уновнига сазовор бўлган Нодирбек Абдусатторов, Шамсиддин Воҳидов, Жаҳоҳир ва Ислоҳм Синдаровлар шараф билан давом эттириб келаятгани қувонarliдир. Кичкина чемпионларимиз қўлга киритаётган галабалар мамлакатимиз ёшлари орасида шахматта кизиқилишнинг янада орттишига туртки бўлди. Ҳали мактаб остонасига қадам қўйишга улгурмаган 5-6 ёшли иктидорларимизнинг ютуқлари дунёни лол қолдирмоқда. Мўълисонда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида Нодирбек Якубов, Ортиқ Негматов, Абдумалик Абдусалимов каби номдор шахматчиларимиз қатори 6 ёшли Ҳумоюн Бекмуродовнинг битта олтин, битта кумуш медални қўлга киритиши ёшлар

римиз нималарга қодирлигини яна бир бор исботлади. Халқаро шахмат федерацияси томонидан эълон қилинган шахматчилар рейтинг жадвалида 7 ёшли Алихон Авазхонов дунёнинг 8 ёшгача бўлган шахматчилари ўртасида биринчи ўринга кўтарилди. Худди шундай шахмат рейтингиди Жаҳоҳир Синдаров 11 ёшгача, Нодирбек Абдусатторов 12 ёшгача бўлган тендошлари орасида дунё бўйича биринчи поғонани банд этиб туришибди. Пойтахтимизда ўтказилган Ўзбекистоннинг биринчи халқаро гроссмейстери Г.Аъзамов хотира турнирида халқаро спорт устаси нормасини бажарган Нодирбек Якубов 14 ёшгача бўлган шахматчилар орасида 5 поғонага кўтарилди. Мазкур турнирда аёллар ўртасида халқаро гроссмейстерлик талабини бажарган Гулруҳобегим Тохиржонова дунё аёл шахматчилари ўртасида кучли ўйликдан жой олди. Бирлашган Араб Амирлигининг Абу-Даби шаҳрида бўлиб ўтган Осиё кубогида юртимиз шарафини химоя қилган Нафиса Мўминова, Сарвиноз Қурбонбоева, Ирина Геворгиян, Гулруҳобегим Тохиржонова, Севара Баймуратовадан иборат жамоамиз биринчи ўринни эгаллаб, шода-шода олтин медаллар билан қайтишди.

Юртобимиз ташаббуси билан ёш иктидорлар сафини янада кенгайтириш, юртимизда шахматни изчил оммалаштириш, ўзбек шахматининг ёрқин келажagini таъминловчи истеъдодли спортчиларни тарбиялаш мақсадида Тошкентда шахмат бўйича ихтисослаштирилган Республика болалар ва ўсмирлар спорт мактаби барпо этилди. Мазкур мактаб халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб химоя қилишга қодир иктидорли ва истеъдодли шахматчиларни тарбиялаш учун мўъалланган. Бу ерда ўқувчи-ёшлар дарсида бўш вақтлариди шахмат сабоқларини ўрганиб, ўз маҳоратини оширмоқда. Мазкур ишшо-

от ўқув-машғулот хоналари, спорт зали, ошхона каби бўлимларни ўз ичига олган. Ўқув-машғулот хоналаридаги электрон шахмат тахталари халқаро андозаларга мос. Мактабда ўқувчилар учун махсус дам олиш хонаси ҳам мавжуд.

Бу ерда шахматчиларнинг ўйин амалиётидаги маҳоратини ошириш учун уларга тажрибали, профессионал мураббийлар сабоқ бермоқда. Интернетта эга компьютерлар билан жиҳозланган хонада ўқувчилар чет эллик ёш шахматчилар билан он-лайн тизимда шахмат бўйича беллашиб ва ўз тажрибасини янада ошириш имконига ҳам эгалар. 8 карра Ўзбекистон чемпиони, 3 карра Осиё чемпиони, ёшлар ўртасида ўтказилган олимпиада бронза медали соҳибига Ортиқ Негматовни ҳам, 6 марта Ўзбекистон чемпиони, жаҳон ва Осиё чемпионати кумуш медали соҳибига Осиёнинг энг яхши энг ёш шахматчи қизин муроқотини олган Баҳора Абдусатторовани ҳам Россияда бўлиб ўтган шахмат тахтаси устидаги бир ўйин комбинациясини муҳокама қилаётган экан. Мамлакатимиз фахрига айланган бу йил шахматта кизиқилишлари дастлаб оилада бошланганини, ота-оналари уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганини, усталарига ҳурмат-эҳтиромларини баён этишди.

Мазкур даргоҳда яратилган имкониятлар, машғулотларнинг юқори савияда, энг илгор усуллар асосида олиб борилиши ёш шахматчиларнинг интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш ҳамда улар ўз билими, истеъдоду иктидори билан мамлакатимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб химоя қилишга қодир спорт усталари бўлиб етишишига хизмат қилади, албатта.

Маълумот МАҲАММАТОВА

Qishloq Qurilish Bank

Ёш тадбиркор элга мададкор

➤ МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Бу йил энг улуғ, энг азиз айём — Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигини кенг нишонлаймиз. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон барча соҳада улкан муваффақият ва ютуқларга эришди ҳамда дунё мамлакатлари ичида ўз ўрни ва обрўсига эга бўлди. Буларнинг барчаси тараққиётнинг ўзига ҳос ва мос йўлини танлаганимиз, шу йўлдан қатъият билан илдам бораётганимиз самарасидир.

Республикаимизда амалга оширилаётган кенг камровли иктисодий ислохотлар, аввало, инсон, унинг манфаати ва турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилган. Бу борада мамлакатимиз банк тизими ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Мана шундай ислохотлар самарасини банк-молия муассасаларидан бири — «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки миқсолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Бугунги кунда мазкур банкнинг 42 та филиали, 49 та мини-банк ва 176 та шохобчалари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, улар орқали 670 мингдан ортиқ юридик ва jisмоний шахс мақомидаги миждозларга кенг қўламли банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

«Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг соф активлари 4.861,1 миллиард сўмни ташкил этиб, йил бошига нисба-

тан 619,8 миллиард сўмга ёки 14,6 фоизга ўсди. Банк активлари таркибида даромад келтирувчи активларнинг улуши 89,4 фоизни ташкил этди.

Банкнинг ликвидлик, ишонччилик, тўловга қобилиятлилик каби қатор асосий кўрсаткичларининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган сиёсати натижасида 2016 йил II чорак якуни бўйича банк жами капиталли 462,4 миллиард сўмга эди.

2016 йил I ярим йиллиги давомида банк фаолиятининг асосий даромад манбаи ҳисобланган банк активлари хажми, таркиби ва даромадлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунда миждозлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ўз натижасини бериб, банкнинг кредит қўйилмалари 2016 йил I январга нисбатан 619,8 миллиард сўмга ошиб, 2016 йилнинг 30 июнь ҳолатига 4258,6 миллиард сўмни ташкил этди.



Ўял олган сурат

Навоий шаҳрида фаолият бошлаган «Пахтакор Навоий плюс» масъулияти чекланган жамиятида бир неча турдаги пайпоқ ва тикуччилик маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Корхона «Қишлоқ қурилиш банк»нинг На-

садида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар ўтган йил шу даврга нисбатан 114,3 миллиард сўмга ортиб, 2016 йил 30 июнь ҳолатига 450,9 миллиард сўмни ташкил этди.

Банк филиаллари томонидан ҳисобот даврида аҳолининг фаол қисмига ўз бизнесини ташкил этишлари учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида 132,1 миллиард сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди.

воий вилоят филиали кўмағида замонавий технологиялар билан жиҳозланди. Янги корхонанинг ишга туширилиши билан 10 нафар хотин-қиз доимий ишга бўлди.

Суратга: корхона ишчиси Муҳаббат Шарипова.

Айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятларини ташкил этиш, уларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишлари ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштиришга алоҳида аҳамият берилди ва жорий йилнинг 30 июнь ҳолатига касб-ҳунар коллежлари битирувчилари 11,3 миллиард сўм миқдорда имтиёзли микрокредитлар берилди.

МИЖОЗ ЭЪТИРОФИ

Беҳруз КЕНЖАЕВ,
«Фирдавс паррандачилик маҳсулотлари»
онлайн корхонаси раҳбари:

(Бухоро вилояти)

— Ҳозирги кунга келиб, мамлакатимизда ёш тадбиркорлар учун жуда қўлай шарт-шароитлар яратилган бўлиб, ушбу қўлайликлар уларни янада ишчанликка қорламоқда.

Бугун тиждорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида катта амалий ёрдам кўрсатишмоқда. Қисқа муддатда кредит бериш имкони ҳам яратилган.

Ушбу имтиёزلардан унумли фойдаланган ҳолда 2014 йилда «Фирдавс паррандачилик маҳсулотлари» онлайн тадбиркорлигимизни ташкил этдик. Корхонамиз асосан аҳолига паррандачилик маҳсулотларини етказиб беришга ихтисослашган. Бугунги кунда эришган ютуқларга, аввало, иш фаолиятини тўғри ташкил этишимизга доимий ҳамкоримиз — «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Галаосиё филиали молиявий мадади сабаб бўлди, деб биламан. Сир эмаски, яхши гоё қўллаб-қувватланмаса, у шунчаки гоёлигича қолиб кетаверарди. Коллеж битирувчиларига яратилган кенг имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Галаосиё филиалига ариза билан мурожаат қилган эдик, қисқа фурсатда 25 миллион сўм миқдорда кредит олишга эришдик.

Олдимизга қўйилган вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириб, банкнинг билдирган ишончини оқлаймиз. Келгусида ҳам «Қишлоқ қурилиш банк» билан янги лойиҳаларни биргаликда амалиётга татиқ этишни режалаштирганмиз.

Тилаовди ПИРМУҲАММАД,
якка тартибдаги тадбиркор:

(Андижон вилояти)

— Юртимизда ёшлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланган ва уларнинг ўз фаолиятини йўлга қўйишига алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли ишбилармонлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Навқарор авлод вакиллари-нинг гоёлари ва амалга оширилаётган самарали фаолиятлари мамлакатимизнинг иқтисодий пойдевори мустаҳкам бўлишини таъминлайди десак, муволаеа бўлмайди.

Шу ўринда коллеж битирувчиларига молиявий кўмак бераётган банклар ҳусусида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз, албатта. Улар қаторида «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ ҳам бошқа тиждорат банклари сингари кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Хусусий корхонамиз фаолиятини 2015 йилда «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Хўжаобод филиалидан 70 миллион сўм миқдорда кредит олиб йўлга қўйдик. Асосан кундалик турмушимизда зарур бўладиган мебеллар турларини чиқариш билан шуғулланамиз. Ҳамкоримиз — «Қишлоқ қурилиш банк» АТБдан олинган қўшимча 20 миллион сўм миқдордаги кредит маблағи ҳам ишларимиз ривожига мадад бўлди. Натижада корхонамизда иш ўринлари кўпайди.

Бир сўз билан айтганда, биз каби коллеж битирувчиларига яратиб берилаётган шарт-шароитлардан мамнунмиз. Лойиҳаларимизни қўллаб-қувватлаётган тиждорат банкларига миннатдорчилик билдирамиз.

Банк ахборот хизмати

ГУЛЛАРГА БУРКАНАЁТГАН ШАҲАР

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Мустақиллик даврида барпо бўлган муаззам иншоотларга бир боқинг. Ўрнатилган ёдгорликлару янги обидаларга теран бир нигоҳ ташланг. Улар нимага хизмат қилмоқда? Улар нимага даъват этади? Мисол учун, Урганчдаги Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуаси нима учун элнинг ардоқли масканига, ёшларнинг суюкли манзилига айланди?

Мазкур ёдгорлик мажмуа, бошқа барча таъриф ва таъсирларга тиниб берган ҳолда айтиш мумкинки, қалб кўзларини очинишга хизмат қилаётган. Айниқса, ёшларнинг бу ерга таърифидан сўнг нурафшон бўлган кўзлари воқеа-ҳодисаларга, оруз-умидлар ва ишончларга, келажак режаларига бошқача боқадди.

Ёдгорлик мажмуа тўридан ўрин олган Жалолиддин Мангуберди хайкалида улур халк ва миллат руҳи барқ уриб туради. Ана шу халқ ва миллат эрки ва гурури учун кўрсатилган жасорат ва матонатнинг ҳеч вақт ўлмаслигини таъкидлаб туради бу хайкал. Ундан таралган соҳир ниҳоллар атрофинида айланиб, қулоғинг остида жарангаётгандай туюлади. Уни тингламасдан бўлмайди...

Мухташам Арк остидан гурур билан ўтганда, фавворалар қатори бўйлаб шаҳдам кадам ташлаганда, дарахтлар ва гуллар пешвозлигида қаҳрамоннинг хайкали пойига етиб борганда беварқ қолишни, лойқаб бўлишини асло имкони қолмайди. Муаззам хайкал пойига ҳали яқиндагина қўйилган, тароватини йўқотмаган гулдасталар ифори кўнгилларни тўлқинлантиради.

Ёдгорлик мажмуадан чиқаётганимда устозлар билан зиёратга келатган бир синф ўқувчиларга дуч келдим. Бейхитёр тўхтаб, уларни кузатдим. Ўқитувчи ёнимдан ўтаётганда у ўқувчиларига тарихдан хикоя қилаётганини англадим.

Ватанини жисму жондан суйиш керак!

Афтидан, тарихдан бир машғулоти шу жойга белгилаб, ўқитувчи сира ҳам хато қилмаган. Эҳтимол, мана шу бир машғулоти кўплай машғулотлардан муҳимроқ бўлар. Балки у устоз учун шоғирларнинг қалб кўзини очинишда ҳал қилувчи аҳамият касб этар.

Инсон умрини қалб ифтихори мазмунидор ва зиёда қилади. Қалб ифтихори меҳру муҳаббатдан бино бўлади. Меҳру муҳаббат эса, авваломбор, Ватан туйғусидан тувлади.

Хар сафар мухташам боғ мажмуага айланган Урганч шаҳридаги Марказий майдондан ўтаётиб, шу фикрга бораман. Чунки, маскандан Ватанини чуқур ҳис қилиш учун имкон беҳисоб. Бу ерда фахр туйғуларни жунбушга келди.

Боғ мажмуа тўридан ал-Хоразмий хайкали ўрин олган. Буюк сиймо қулочларини кенг ёйганча нигоҳларда жонланади. У нималарга даъват этмоқда? Ватанининг тарихини ёдга олишми? Бутунги бунёдкорликларга теран нигоҳ ташлашми? Аслида иккинчиси ҳам.

Хоразмий бобо ёшларга шу Ватани севмай бўладими, турли илмларни, касб-хунарларни садоқат билан пухта эгалламай бўладими, дегётгандек ҳам. Бу савол хикматларини ёшларимиз пухта англаётганликларини уларнинг ҳис-ҳаяжонларидан илғаб олаб бўлади. Фақат тантаналар пайтларидагина эмас, бошқа вақтларда ҳам хайкал пойига гуллар қўяётган йи-

гит-қизлар ўзларини бахтиёр ва баркамол ҳис этадилар.

Майдон худудлари яшилликка тўла. Улардаги майсалар, гуллару ниҳоллар ўсинишга, унинг ҳар дам ҳозир у нозир. Улар ўз ўринларидан мустақкам туришни ўрганиб олишди, заминга илдири отишган. Катта-кичикнинг нигоҳи уларда. Хамма уларга ишонади. Хамма уларга маънавий раҳбарлик қилиш мумкин.

“Авесто” боғини кичик халқа йўли орқали айланиб ўтиш ҳам мумкин. Кўпчилик бу енгил автомашиналарда амалга оширилади. Бир гал шу манзилда тўхтамасдан ўтиб кетолмадим. Тўша-тўғри боғ мажмуа марказига элтувчи йўл бўйида машинани тўхтатдим. Кўнглим қандайдир сайру зиёрат тусида. Шу сабабли боғини айланиб чиқдим. Бу ихтиёриёз ихтиёрда Ватан туйғусининг даъватини сезгандай бўлдим. Ахир шундай муаззам даргоҳлар ёнимдан бепарво ўтиб бўладими?! Яқинда Шовот канали оша боғ мажмуага элтувчи янги йўл қурилди. Бу йўлнинг бошқа йўллардан агар чап кироқ томондан кирилиши ҳисобга олинмаганда, кўп ҳам фарқи йўқдек туюлади кишига. Чунки, барча йўлларда гуллар ҳамроҳ.

Публицистика

Тўхталиш мақсада мувофиқ. Бу даргоҳга кишини ёзини кўм-қўқ мўъжазига боғ орқали ўтилади. У ерда кўп йиллар воҳанинг иқлим шароитига мос келмайдиган деб ҳисобланган ноёб дарахтлар чуқур илдири отиб, ўрнашиб кетган. Марказнинг иккинчи катта ва кичик залларида маънавий-маърифий талбирлар узлуксиз равишда ўтказиб турилади.

Марказий майдон Оғаҳий помидоги виллоят театрига ҳам тутади. Мазкур театр мамлакатимизнинг энг кекса санъат даргоҳларидан бири ҳисобланади. Марказий майдон бунёд этилиши боис виллоят йўлсозлигида ҳам янгиликлар содир бўлди. Яъни, шу майдонни айланиб ўтувчи кичик халқа йўли қурилди. Бу йўл табиийки, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Майдон теграсини автомобилда, автобусда айланиб ўтиб, фахр туйғусини ошириш имкониятидан фойдаланишни ёшларимиз қанда қилишмайди.

Кўтуғу саналар, тўйу тантаналар, айёмларда бу манзилларга кўпчилик шу майдон орқали ўтиб боради. Кўнгилларида, руҳиятда оруз-умидлар аланга олади.

“Авесто” боғ мажмуаси халқимиз тарихининг бебаҳо мулкидан дарак бериб, унга таъриф буюрган ҳар бир кишига, айниқса, ёшларимизга таъсирчан хикоялар айтади. Бутун боғнинг гўзал манзараларида ихлос ва эътиқоднинг, эл-юртта муҳаббатнинг рамзларини кўриш мумкин.

“Авесто” боғини кичик халқа йўли орқали айланиб ўтиш ҳам мумкин. Кўпчилик бу енгил автомашиналарда амалга оширилади. Бир гал шу манзилда тўхтамасдан ўтиб кетолмадим. Тўша-тўғри боғ мажмуа марказига элтувчи йўл бўйида машинани тўхтатдим. Кўнглим қандайдир сайру зиёрат тусида. Шу сабабли боғини айланиб чиқдим. Бу ихтиёриёз ихтиёрда Ватан туйғусининг даъватини сезгандай бўлдим. Ахир шундай муаззам даргоҳлар ёнимдан бепарво ўтиб бўладими?! Яқинда Шовот канали оша боғ мажмуага элтувчи янги йўл қурилди. Бу йўлнинг бошқа йўллардан агар чап кироқ томондан кирилиши ҳисобга олинмаганда, кўп ҳам фарқи йўқдек туюлади кишига. Чунки, барча йўлларда гуллар ҳамроҳ.

Аммо янги йўлнинг аҳамияти катта. У ҳам турли тарафдан меҳру ва ҳайрат ёрилишига хизмат қилади. Бу ҳайрат мазкур оромгоҳга олиб кириладиган ва ундан олиб, кўнгилга солиб кетиладиган Ватан туйғусига элтади.

“Авесто” боғ мажмуасининг ўзига хос ва воҳа иқлим шароитига мос ўтрок гуллари ҳам шаклланиб қолди. Улар деярли йил бўйи ўз кўркини йўқотишмайди. Авайлаб-асралаётган гулларнинг нафасини сезиб баҳор узоқ кетмаслигини ҳис қилиш мумкин.

Ранго-ранг гулларда камалак жиллолари бор. Бу, авваломбор, ўсини-униш, юксалишлардаги ранг-барангликка ишорадир балки. Кўтуғу байрамлар ва тантаналар, айёмларда амфитеатрни тўлдириб, бир-бирдан чиройли ва нуктадон бўлиб, қўшиқ ва шеърлар айтаётган, рақсга тушаётган шўр-шадлол болаларимизнинг бахтиёрликлари ҳам шу гулларга қувват берадир балки. Балки турли миллат вакиллари,

турли хил либосларда бир-бири билан аҳилликда намойиш қиладиган хаваскорлик санъати манзараларидан ҳам дарак берадир бу гуллар.

Ўсимда, бир пайтлар, экологик мушкулликлар боис, виллоятда, шу жумладан, Урганч шаҳрида гул ўстириш оғир вазифа ҳисобланиб келинар эди. Кейинги йилларда шу мушкулликлар виллоят аҳлининг, хусусан, урганчликларнинг шижоати боис орқага чекинди. Урганч шаҳрини ободлантириш талбирлари доирасида гулларни барча худудларда кўпайтириш кундалик вазифага айланди.

Гуллар ҳақида кўпроқ тўхталган бўлишимиз мумкин. Аммо, асосий мақсад шунга қаратилган. Ахир гул ўстиришга, ўзи яшаётган ўйини, меҳнат қилаётган корхонасини, ўқув даргоҳини ва қадрият шаҳрини, она юртини гулларга бурқашга Ватан туйғуси барқорор инсон астойдил интилади. “Урганчи гулларга бурқайми!” ташаббуси ана шундан туйилган.

“Авесто” боғ мажмуаси фақат оромгоҳ маскан, кўнгилолар жой эмас. У эндиликда ўзига хос табаррук манзил, оруз-умидларга вобаста даргоҳга айланди. Шу сабаб ҳам узоқ-яқиндан унга элдошларимиз талпинишади. Бу ердан кўнгиллари тўлқинланган ҳолда кетиб, унинг ўзига хос тарғиботчиларига айланишади.

Қолаверса, боғ мажмуадан воҳа мўйқалам усталарининг, бошқа ижодкорларнинг кўрғазмалари ҳам ўрин эгаллаган. Мажмуада қадимий воҳанинг бетакорор табиати, фидокор инсонларнинг ҳиммати ва шижоатлари ифодаси муҳасам. Зангори гўмбазлар кўкка боқиб ана шу ҳақиқатлардан сўзлаётгандай гўё.

Ватан туйғуси эса, гўёки, барча бошқа эзгу туйғуларни ҳам ана шундай муаззам даргоҳларда аллалаб улғайтираётгандай тасаввур уйғотди кишида.

Сотим АВАЗ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ИНШОЛАР ТАНЛОВИГА

Ватан! Шу бир сўз инсонни бутун борлиқни англашга, жаминики эзгу фазилатларни ўрганишга чорлайди.

Азиз ва мўътабар

Ватан — киндик қонимиз тўқилган туپрок, илк бора кўз очиб кўрганымиз замин, илк кадам қўйганимиз туپрок, ўсиб-улғайиб, қамолга етаётганимиз муқаддас макон.

Ватан сўзининг таърифини келтириш учун дунё халқлари луғатларидаги жамини сўзлар камлик қилади. Ватан шундай муқаддаски, унинг учун жонингни берасан, Ватан шундай ягонаки, сен фақатгина битта Ватанда туғилсан, шу Ватан сен учун ягона, Ватан шундай саждагоҳ.

Тинчлик — Ватанинг энг олий қуч-қудрати десак, муболага бўлмайди. Тинчлик ҳукм сурган Ватанда ривожланиш, юксалиш, янгиликларга интилиш бўлади. Тинчлик ҳукм сурган Ватанда, аҳолиси тинч-осойишта, хотиржам бўлган замин, билим-ғани, энг азиз макондир. Шу жумладан, биз ҳам фахр билан тинчлик ҳукм сурган заминда яшайми, “Бизнинг Ватанимиз, Ўзбекистон!” дея баралла айта оламиз.

Қарши шаҳрининг бутунги жамоли мени ҳайратта солади. Катта ёшдаги инсонларнинг айтишича, у аввал бундай чиройли, обод бўлмаган. Телевизорда Тошкентнинг гўзал иншоотларини кўп бор кўрамиз. Бутунги кунда Қарши шаҳри ҳам пойтахтимиз каби гўзаллашиб бораётган.

Дунёда давлатлар кўп. Лекин инсон учун муқаддас Ватани ягона бўлади. Инсон шу Ватани ардоқлайди, шу Ватани кўз қорачиқидан асрайди. Хар бир мамлакатнинг келажаги унда яшаётган ёшларга боғлиқ. Биз бунинг яқини англаб ва шу улур мақсадда қамол топмоқдамиз. Шу мустақил дийри, тинч маскани бемалол “Шу Ватан, шу азиз туپрок барчамизники!” дея оламиз.

Ватанинг ўз ўтмиши, тарихи бўлади. Асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб келади. Ўзбекистон ҳам жуда узоқ тарихга эга. Бутун аждодларимизнинг муборак номлари қайта тикланди. Улар боболаримиз мерослари абадийлантирилди. Биз буюк аждодларимиз меросидан, ибратли, мардона ишларидан бекёёс сабоқ оламиз, буюк аждодларимизга муносиб бўлишни ўзимизга оруз-мақсад қилиб, билим ўрганамиз.

Ўтмишимиз келажак йўқ, албатта. Биз тарихни ўрганиш орқали келажакка кадам қўямиз. Биз ўсиб-улғайиб қамолга етиб, шу Ватан учун хизматда шай бўламиз, қўлимиздан келганча унинг ривожини учун ҳаракат қиламиз. Зеро, биз шу муқаддас, азиз ва мўътабар масканининг фарзандимиз.

Насиба ЭРНАЗАРОВА, Қарши туман “Бошкент” қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи ўқувчиси

ASAKA BANK
ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!
«АСАКА» БАНК
«МУСТАҚИЛЛИК — 25»
Филиаллар
Тошкент шаҳар филиали
Наманган виллоят филиали
Автотранспорт филиали
Навоий виллоят филиали
Шайхонтоҳур филиали
Зарафшон филиали
Юнусобод филиали
Бухоро виллоят филиали
Сирғали филиали
Бухоро шаҳар филиали
Тошкент виллоят филиали
Самарқанд виллоят филиали
Андижон виллоят филиали
Афросиёб филиали
Асака филиали
Қашқадарё виллоят филиали
Фарход филиали
Сурхондарё виллоят филиали
Фарғона виллоят филиали
Корақалпоғистон филиали
Марғилон филиали
Хоразм виллоят филиали
Олтиариқ филиали
Сирдарё виллоят филиали
Кўкон филиали
Жиззах виллоят филиали
Сизнинг омонатларингиз:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

MIKROKREDITBANK
“FITCH RATINGS”
ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ
АГЕНТЛИГИ
“МИКРОКРЕДИТБАНК”
АКЦИЯДОРЛИК-
ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ
ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ
КЎРСАТКИЧИНИ
“В”
“БАРҚАРОР”
ДЕБ ТАСДИҚЛАДИ.

МУАССИС:
Бош муҳаррир: Ислоҳ ҚАМРОЕВ
Таъхир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Ташҳулат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ
Шухрат ЯҚУБОВ

«Adolat»дан кўчириб босиш таъхиррият руҳати билан амалга оширилади.
1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таъхиррият маъноси: 100043.
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани
«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolatguz.uz
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот оғлиниги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда ўрнатилган.